Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 164 (21. 031) 1991 йил 24 август, шанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ СОВЕТ ТЕЛЕКЎРСАТУВИ ОРҚАЛИ 1991 ЙИЛ 22 АВГУСТДАГИ БАЁНОТИ

Азиз ватандошлар. Ҳозир мен сизларнинг ҳузурингизда шундай бир пайтда гапиряпманки, энди давлат тўнтариши барбод бўлганини тўла асос билан айта оламан. Фитначилар янглишдилар. Улар энг муҳимини — мана шу жуда қийин йилларда ҳам халқ бошқача бўлиб қолганини фаҳмлай олмадилар. Халқ озодлик ҳавосидан нафас ола бошлади ва энди буни ҳеч ким ундан тортиб ололмайди.

Давлат манфаатларига зид бориб, демократияга қасд қилган, тоталитар режимни тиклашга уринган жиноятчилар халқнинг қаҳр-ғазабига учрадилар. Улар энг даҳшатли иш қилишга — армияни халққа қарши юборишга уриндилар. Аммо улар бунинг ҳам уддасидан чиқа олмадилар. Кўпгина командирлар, офицерлар, кўпчилик аскарлар, бутун-бутун қисмлар ва қўшилмалар уларнинг буйруқларини бажаришдан бош тортдилар. Қасамёдга содиқ бўлиб қолдилар, демократиянинг жасур ҳимоячилари ёнига ўтдилар.

18 август куни тўрт нафар фитначи Қримга — менинг ёнимга бориб, ё лавозимдан воз кечишни ёки ўз ваколатларимни ихтиёрий топширишни ёхуд фавқулодда ҳолат тўғрисидаги Фармонга имзо қўйишни мендан қатъий талаб қилганларида ўшанда мен уларга — сизлар авантюрачи ва жиноятчиларсиз, сизлар ўзларингизни ҳалок қиласизлар ва халққа даҳшатли зиён етказасизлар, барибир сизларнинг айтганингиз асло бўлмайди, дедим. Энди халқ сизларнинг диктатурангизга, шу йиллар давомида курашиб қўлга киритилган ҳамма ютуқлардан маҳрум бўлишга рози бўлмайди, дедим.

Эс-ҳушингизни йиғиб олинглар, фуқаролар уруши чиқиши, беҳисоб қон тўкилиши мумкин, бунинг учун жавоб берасизлар, дедим. Мен уларнинг ҳамма талабларини рад қилдим. Шунда улар мен дам олаётган уйни денгиздан ҳам, қуруқликдан ҳам қўшинлар билан куршаб қўйишди, руҳий тазйиқ ўтказмоқчи бўлишди, ҳар бир қадамимни кузатиб туришди, ташқи дунёдан бутунлай яккалаб қўйишди.

Чамаси, улар Президентни руҳий жиҳатдан ҳолдан тойдириш вазифасини кўзлаган эдилар.

Фавқулодда ҳолат давлат комитети деб аталган ташкилотнинг журналистлар билан учрашуви мазмуни менга маълум бўлган пайтда мен буни, айниқса, яхши тушуниб олдим. Улар менинг гўё Президент вазифасини бажариш имконияти йўқ, деб эълон қилганларида, бунинг устига улар яқин вақт ичида бу хусусда тиббий хулоса тақдим этишни ваъда қилганларида буни, айниқса, яхши англаб олдим.

Демак, вазифа шундан иборат эдики, башарти ҳақиқий аҳвол уларнинг баёнотларига тўғри келмаса, яъни Президентнинг ҳолати бошқача бўлса, уни ҳар қандай усул билан жисмоний ва руҳий жиҳатдан бутунлай ҳолдан тойдириб, шундай ҳолатга келтириши керак эди. Мамлакатда нималар бўлаётганини 72 соат мобайнида билмадим. Фитна барбод қилинди, авантюрачилар қамоққа олинди ва қаттиқ жазоланади. Аммо шу орада қон тўкилди. Озодлик ҳимоячилари қурбон бўлдилар. Мен уларнинг оилаларига, қариндошлари ва ёр-биродарларига, дўстлари ва ҳамкасбларига астойдил ҳамдардлик изҳор этаман. Уларнинг номлари ҳалок бўлган жойлардаги хотира лавҳаларида абадийлаштирилиши керак, мен ўз мавқеи, шахсий озодлигинигина эмас, кўпинча жонини ҳам гаровга қўйиб, Конституциявий тузум ҳимоячилари, қонун ва инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларининг биринчи сафларида турган барча кишиларга миннатдорчилик билдирмоқчиман. Аввало, мен фитнага ва диктатурага қаршилик марказида турган Россия Президенти Борис Николаевич Ельциннинг, Россия ҳукумати раиси Иван Степанович Силаевнинг, Россия вице-президенти Александр Владимирович Руцкойнинг, бошқа кўпгина сиёсат ва жамоат арбобларининг, Россия Федерацияси бутун Олий Кенгашининг, демократияни ҳимоя қилган москваликлар ва ленинградликларнинг жуда катта ролини қайд этишим керак. Мен журналистлар жуда кўпчилигининг, барча оммавий ахборот воситаларининг ўз демократик касб-кор бурчига астойдил содиқлигини таъкидламай ўта олмайман. Ана шу қийин дамларда улар қаерда ва ким билан бирга бўлишни хатосиз танлаб олдилар, қўрқмадилар, чўчимадилар, ҳокимият тепасига чиқиб олишга уринган кишилар олдида хушомад қилмадилар.

Фитнани барбод қилишда кўпчилик республикаларнинг Президентлари ва раҳбарлари, Россия вилоятлари, маҳаллий Советларнинг принципиал мавқеда турганликлари катта аҳамиятга эга бўлди. Улар қонунийлик ва ўз суверен ҳуқуқларини мустаҳкам ҳимоя қила олдилар.

Биз учун мана шу таҳликали кунларда Совет Иттифоқидаги демократияни ҳимоя қилган, мамлакатнинг қонуний раҳбариятини қўллаб-қувватлаган чет элларнинг халқлари ва ҳукуматларига миннатдорчилик изҳор этаман. Шу кунларда содир бўлган воқеаларни «ҳаммамиз учун катта сабоқ» десак камлик қилади. Бу — оғир сабоқ, даҳшатли сабоқдир. Бинобарин давлат қурилиши соҳасида ҳам, республикалар ўртасидаги, партиялар ва жамоат ҳаракатлари ўртасидаги муносабатларда, миллатлараро муносабатларда ва, албатта, иқтисодий сиёсатда, маънавий-ахлоқий соҳада ҳам зарур бўлган ҳамма хулосаларни чиқариб олмоқ керак.

Хўш, фитначилар нимага умид боғлаган эдилар? Улар халқ турмушнинг яхшиланишини кутавериб чарчади, танглик давом этмоқда, ишлаб чиқаришнинг пасайиши тўхтатилгани йўқ, бозордаги аҳвол оғир, молиявий аҳвол ишдан чиққан, жиноятчилик ортиб бормоқда, деб мана шулардан фойдаланмоқчи бўлдилар. Одамлар бу аҳволга тоқат қилишни хоҳламаяптилар. Улар ҳақдирлар. Аммо фитначилар мана шу масалаларнинг ҳаммаси эркинлик, инсон ҳуқуқлари ҳисобига эмас, диктатура ва зўравонлик йўли билан эмас, балки қонуний тарзда, демократия доирасида ҳал этилишини истаётганлигини эътиборга олмадилар. Биз туб ислоҳотлар йўлидан янада жиспластиб ва илдамроқ боришимиз керак. Эртага мен тўққиз республиканинг раҳбарлари билан учрашаман. Биз ҳаммамиз энг зарур чора-тадбирларни, яқин орадаги истиқболларни, ҳаракат қилиш усулларини, ҳамжиҳатлик йўлларини, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш усулларини муҳокама қиламиз, ҳаммасини пухта ўйлаб, чамалаб кўрамиз. Буни мамлакатга ва дунёга маълум қиламиз.

Фитна бошлиқларини жазолашдан ташқари тўнтаришга қаршилик қилиши мумкин бўлса ҳам, аммо қаршилик қилмай кутиб турувчилик позициясини эгаллаган, ҳатто жиноятчи фавқулодда ҳолат комитетига таъзим қилишга тайёр бўлиб турган мансабдор шахсларнинг ҳам хатти-ҳаракатларига баҳо беришни адолат туйғуси тақозо этади.

Ғайриқонуний тусда ҳаракат қилмаган кишиларни ҳам таъқиб этиш ҳақида гап бораётгани йўқ, албатта. Бироқ, кимнинг қадр-қиммати нималигини жамоатчилик билиши керак. Шу масъули ятли пайтда ким ўзини қандай кўрсатди, унинг ҳақиқий қиёфаси қандай. Башарти, қонунни ҳимоя қилишга юраги дов бермаган кишилар ўзлари давлат лавозимларидан истеъфо беришлари маъқул, деб ҳисоблаган бўлур эдим.

Мен бундан буёнги ҳаракат режалари ҳақида республикаларнинг раҳбарлари билан гаплашдим. Чамаси, яқин вақт ичида шартномани имзолашнинг янги куни белгиланади. Шундан кейин янги Иттифоқ Конституцияси, янги сайлов қонуни қабул қилинади, Иттифоқ парламенти ва Президенти сайланади. Бу ишни пайсалга солмай, белгиланган муддатларда ўтказиш керак, чунки ўтиш даврининг чўзилиши демократик ислоҳотлар учун хатарли эканини кўриб турибмиз. Давлат хавфсизлиги тизими унчалик пухта бўлиб чиқмаганлигидан муносиб хулосалар чиқариш керак. Бу масалалар жуда пухта ўйлаб, ишлаб чиқилиши лозим, улар билан ҳам яқин вақт ичида шуғулланиш керак.

Бўлиб ўтган ҳамма воқеалар хусусида Президент сифатида қаттиқ ташвишланяпман. Шундай воқеа содир бўлмаслиги учун ҳамма ишни қилмаганим учун сизларнинг ҳаммаларингиз олдидаги ўз масъулиятимни ҳам сезиб турибман. Шу кунларда ҳаммамиз бошдан кечирган нарсаларни айтиб ўтишим керак. Булар аввало мен учун оғир сабоқдир. Раҳбар кадрларни кўтаришга ёндашиш хусусида ҳам сабоқдир. Масалан халқ депутатлари съезди биринчи овозга қўйишда вице-президентни сайлашдан бош тортганида ҳақ эканлиги ва Президент ўз ваколатларидан фойдаланиб, ўз таклифини ўтказдириб хато қилганлиги энди кўринib турибди. Бу — бирдан-бир хато эмаслигини ҳам айтмоқ керак.

Мамлакатни асабийлик ҳолатидан чиқариш — ҳозирги энг муҳим вазифадир. Ҳамма хавф-хатар ўтиб кетди, деб ҳисоблаш асосли эмас. Шу муносабат билан ҳозир демократия қоидаларига тарафдор бўлган барча сиёсий кучларнинг масъулиятли мавқеда туришлари ҳамма нарсадан ҳам зарурдир. Биз ҳаммамиз, шу фитнани янчиб ташлаган, мазкур жиноий режалар йўлини қаттиқ тўсиб қўйган кишилар ўша фитначилар қўллаган усулларни асло қўлламаслигимиз керак. Биз Конституцияга ва қонунга қатъий амал қилишимиз, бир ёқадан бош чиқариб, масъулиятни сезиб ҳаракат қилишимиз керак. Энди жамият тараққиётнинг янги босқичига чиққанини шу кунлардаги воқеалар кўрсатди. Реакцион кучлар нақадар ҳоҳлашмасин, энди орқага қайтилмайди. Биз мамлакат тараққиётининг принципиал жиҳатдан тўғри йўлини танлаб олганмиз.

Биз ҳаммамиз қийин кунларни бошдан кечирдик. Модомики шундай экан, келинглар, ана шу аччиқ тажрибадан ҳам ибрат олиб, дадилроқ ва қатъийроқ олға бораверайлик. Азиз ўртоқлар, ҳаммангизга ташаккур билдираман, Президент сифатида мен шу кунларда демократияни ҳимоя қилган барча кишилардан энг катта ва, эҳтимолки, энг муҳим мадад олдим.

Раҳмат.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг

ФАРМОНИ

ДАВЛАТ ТЎНТАРИШИ ТАШКИЛОТЧИЛАРИНИНГ ҒАЙРИКОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Бир гуруҳ фитначилар давлат тўнтариши қилиш мақсадида 19 августга ўтар кечаси ҳокимиятни босиб олдилар. Россия раҳбариятининг қатъий ҳаракатлари, бошқа республикаларнинг принципиал позицияси, москваликлар, ленинградликларнинг, бошқа минтақалар аҳолисининг демократияни ва конституциявий тартибни ҳимоя қилиб чиқишлари туфайли бу жиноят даф қилинди. Фитначилар армияни халққа қарши юборишга муваффақ бўла олмадилар.

Фавқулодда ҳолат давлат комитети деб аталган комитет диктаторлик тартибларини ўрнатиш ва мамлакатни демократик ислоҳотлар йўлидан қайтариш мақсадида бир қанча ҳужжатлар чиқарди.

Фитнанинг барча оқибатларини тугатиш ва айбдорларни жазолаш учун зарур бўлган чоралар кўрилмоқда.

Ушбу Фармон билан қарор қиламан:

1. Фавқулодда ҳолат давлат комитети ёки унинг айрим аъзолари чиқарган барча қарорлар бекор қилинсин.

2. Фавқулодда ҳолат давлат комитетининг барча аъзолари эгаллаб турган лавозимларидан четлаштирилсин.

3. СССР Бош прокурори фитнада қатнашган шахсларга нисбатан жиноий иш қўзғатганлиги ва тергов СССР Иттифоқи ҳамда РСФСРнинг мўътабар органлари билан биргаликда олиб борилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 22 август.

ТАНЛАНГАН ТЎҒРИ ЙЎЛДАН БОРАВЕРАМИЗ

● Республикамиз меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси ва Марказий назорат комиссияси раёсатининг Баёнотини қўллаб-қувватламоқдалар.

НАФРАТЛАНАМИЗ УЛАРДАН

Одамнинг оласи ичида дейдилар. Биз ишониб юрган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва Котибиятидаги айрим юқори мансабли раҳбарларнинг мамлакат учун мураккаб дамларда калтабинлик қилганликлари нафратимизни уйғотди. Бундай кимсалар ошкораликни, демократияни бўғмоқчи бўлдилар. Уларнинг ҳаракатлари соф виждонли, фидойи ва ватанпарвар кишиларнинг қақшатқич зарбасига учраши аниқ эди! Худди шундай бўлди.

Она-Ватанни, меҳнаткаш халқни хавф остига қолдирувчи кимсаларга орамизда ўрин йўқ!

Т. САРИМСОҚОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ЎЗ ЭЪТИҚОДИНГ— ЎЗ ЙЎЛИНГ

Ҳар ким ўз имон-эътиқодига эга бўлгани яхши. Акс ҳолда ҳозирги мураккаб шароитда чалғиб кетиш, йўлдан тойиш, ҳеч-гап эмас. Қатъий фикр-мулоҳазали киши ҳатто ўткир қиррали тоғ устидан ҳам хатарсиз йўл топиб юра олади.

Агар бу мулоҳазани ҳозирги сиёсий вазиятга қиёс қилсак, ақл-идрок билан иш тутиш зарурати келиб чиқади. Буни мен шу ҳафта бошида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва Котибиятидаги ҳаётдан йироқ баъзи раҳбар кимсаларнинг авантюрачилик хатти-ҳаракатидан келиб чиқадиган сабоқ маъносида таъкидлаяпман. Ўз эътиқодига содиқ Ўзбекистон коммунистлари ўша енгилтак сиёсатдонлар иғволарига учмадилар ва тўғри қилдилар.

Чунки Ўзбекистон Компартиясининг ўз танлаган йўли бор. Бу йўл республика Компартияси Дастури ҳамда Уставида аниқ белгилаб олинган. Ана шуларга асосланиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси ва Марказий назорат комиссияси раёсатининг кеча матбуотда эълон қилинган Баёнотини ўз эътиқодим ва ўз йўлим, деб биламан.

И. ОХУНОВ,
Наманган машинасозлик заводи бригадири.

СССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН СУҲБАТИ

22 август куни Москвада СССР Президенти М. С. Горбачев журналистлар билан суҳбатлашди. У журналистларга мурожаат қилиб бундай деди:

КПСС Марказий Комитети Бош котиби лавозимида олти йилдан кўпроқ давр мобайнидаги фаолиятимда, кейинчалик мамлакат Олий Кенгаши Раиси ва мамлакат Президенти сифатида мен сиз билан ва матбуотнинг бошқа вакиллари билан кўп марта учрашдим. Журналистлар билан бир неча учрашувлар ўтказганман, улар умрбод эсимда қолган. Шулардан бири Рейкьявикдаги учрашувдан кейин бўлган эди. Журналистлар билан бугунги учрашув шундай воқеадан сўнг бўлмоқдаки, мен бундай воқеа сира такрорланмаслигини истар эдим ва шундай мавзудаги суҳбат бўлишини сира-сира истамас эдим.

Биз бошимиздан кечирган воқеа... Мен аниқ айтишни истар эдим: бу воқеа ўтиб кетдими ёки ўтмадими? 1985 йилдан кейин жамиятимизни ислоҳ қилиш йиллари мобайнидаги энг оғир синовдан ўтдик. Сира муболағасиз айтиш мумкинки, биз раҳбарликнинг қоқ марказидаги, Президент ёнидаги реакцион кучлар уюштирган Конституцияга зид тўнтаришга рўбарў бўлдик. Мен ўзим кўтарган, ишонган ана шу кишилар Президентга қарши, конституциявий тузумга қарши, қайта қуришга қарши, халққа қарши, демократияга қарши фитнанинг қатнашчиларигина бўлиб қолмай, ташкилотчилари ҳам бўлдилар.

18 август куни соат ўн минути кам 17 да қўриқчилар бошлиғи менга, бир гуруҳ одамлар келишди, сиз билан учрашишни талаб қилишмоқда, деди. Мен, ҳеч кимни кутаётганим йўқ, ҳеч кимни таклиф қилмаганман ва мени ҳеч ким бу ҳақда хабардор қилгани йўқ, дедим. Қўриқчилар бошлиғи ўзи ҳам ҳеч нарсадан хабари йўқлигини айтди. Хўш, нега унда сиз ўша кишиларни киритдингиз? Бунинг боиси шундаки, жавоб берди у, ўша кишилар билан биргаликда давлат хавфсизлиги қўриқчилик бошқармаси бошлиғи Плеханов ҳам келган, деди у. Акс ҳолда шу кишиларни қўриқчилар Президент ҳузурига киритишмаган бўлур эди. Қоида ана шундай. Қатъий, аммо зарур қоида шунақа.

Мен ўша одамларни ким бу ерга юборганлигини аниқлашга қарор қилдим. Чунки, жамики алоқа — ҳукумат алоқаси, оддий алоқа, стратегик ҳамда космик алоқа ва бошқалар ҳонамда муҳайё эди, шу ерда ишлаб ўтирган эдим, бир телефон қўлоғини кўтардим, ишламаяпти. Иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи телефон қўлоқларини кўтардим — ишламаяпти. Ички телефонни кўтариб англадимки, бу ҳам узилган. Вассалом. Алоқасиз қолибман.

Ҳозирги ташриф одатдаги ташрифлардан эмаслигини тушундим. Хотинимни, қизим, куёвимни чақирдим ва қандай воқеа содир бўлганини айтдим. Менга бошқа маълумотларнинг кераги йўқ эди: гап жуда жиддий масала хусусида бораётгани аён эди. Ҳойнаҳой, ҳозир дўқ-пўписа қилишади ёки қамоққа олишга, олиб кетишга уринишади ёки бошқа бир кори-ҳол бўлади. Хуллас, ҳамма нарса бўлиши мумкин. Мен Раиса Максимовнага, Иринага ва Анатолийга, агар гап энг асосий нарса хусусида, сиёсат, йўлимиз хусусида бўладиган бўлса мен ўз тутган йўлимда қатъий тураман. На дўқ-пўписа, на тазйиқ менга кор қилмайди ва бошқача қарорларни қабул қилмайман, дедим.

Бу гапларни айтганимнинг боисини ўқиб олган бўлсангиз керак: чунки бу қароримдан кейин ҳар нарсани кутиш мумкин. Аввало, оила аъзоларимнинг аҳволи мушкул бўлиши мумкин. Биз буни ҳам биламиз.

Оила аъзоларим, сиз қандай қарорга келсангиз, шу бизга маъқул, сизнинг бошингизга тушган кўргилик — бизнинг бошимизга тушган кўргиликдир, дейишди. Шундай қилиб, маслаҳат ниҳоясига етди.

Мен келганларни таклиф қилишга чиқдим, лекин Президент аппарати бошлиғи Болдин етаклаб келаётган одамлар беорлик қилиб кабинетга кўтарилиб келишаётган эди.

Президентга қатъий талаб қўйишди — ваколатларингизни вице-президентга топширасиз, дейишди. Шунда мен, саволларингизга жавоб беришдан илгари «Сизни ким юборди!», деб сўрамоқчиман, дедим. Шунда «Комитет юборди» деган жавоб бўлди.

Журналистлар билан учрашувда М. С. Горбачев ҳикоя қилиб беришича, сўнгра фитначилар билан қуйидагича мулоқот бўлган:

— Қандай комитет ўзи?

— Мамлакатдаги фавқулодда ҳолат муносабати билан тузилган комитет.

— Уни ким тузган? Мен тузганим йўқ, Олий Кенгаш тузгани йўқ. Хўш, ким тузган?

Одамлар бирлашибди, энди Президентнинг Фармони керак бўлиб қолган экан? Президент олдига шундай масала қўйилди: ёки сиз Фармон чиқариб, шу ерда қоласиз ёки ваколатларингизни вице-президентга топширасиз.

— Хўш, нима муносабат билан масала шу таҳлитда қўйилмоқда?

— Мамлакат ҳалокат ёқасида турибди, чоралар кўриш керак, фавқулодда ҳолат зарур — бошқа тадбирлар қутқариб қола олмайди, хомхаёллар вақти ўтиб кетди... Мамлакатдаги аҳвол ана шундай.

Шунга ўхшаш гаплар бўлди.

М. С. Горбачев сўзини давом эттириб бундай деди: жавобимнинг маъноси қуйидагича бўлди — мен мамлакатдаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазиятни, одамларнинг аҳволини, уларнинг турмушини, улар бошидан кечираётган мушкулликларни ҳаммангиздан кўра яхшироқ биламан. Биз шундай бир паллага кирдикки, тур-

(Давоми иккинчи бетда).

АВГУСТ КЕНГАШИ

Мактабларни бошқаришнинг энг муҳим омиллари нималардан иборат? Бозор иқтисодиёти шароитида мактабларни ўз-ўзини маълум даражада маблағ билан таъминлашнинг йўллари борми? Ёш авлодни тарбиялашда ва ўқитишда мактаб маъмурияти иш фаолиятини янгилашдаги энг муҳим йўналишлари қандай? Ана шу каби қатор масалалар Тошкентдаги 260-ўрта мактабда бўлиб ўтган пойтахт мактаблари директорларининг анъанавий август кенгаши баҳс-мунозарасининг мавзуи бўлди. Бу ерда кенгаш қатнашчилари 10 та шўъба бўйича илғор тажрибаларни алмашдилар, муаммоларни ҳал этиш йўлларини аниқлаб олдилар.

Кенгашнинг ялпи йиғилишида Тошкент шаҳар иҳроия комитети халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи Ҳ. Қ. Йўлдошев «Фуқаро аҳиллиги ва миллий тотувлик» мавзуида маъруза қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг котиби К. Ю. Юсупов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг Матбуот маркази.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Аҳолини озиқ-овқат, энг зарур моллар билан ўз вақтида ва узлуксиз таъминлаш, шунингдек бозор муносабатларига ўтиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг қўшимча чора-тадбирларини кўриш мақсадида эътиборга олиб, 22 август куни Вазирлар Маҳкамасида Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, вилоятларнинг бошқарув идоралари, вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг селектор кенгаши ўтказилди. Кенгашда Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсандов раислик қилди.

Республика аҳолисини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, савдо тармоғида шу молларнинг мавжудлиги ва келгуси кузқиш фаслида уларнинг заҳираларини вужудга келтириш масалаларига кенгашда асосий эътибор берилди. Шу муносабат билан халқ депутатлари маҳаллий Советлари иҳроия комитетлари раисларининг республика Президентининг тегишли фармоиларини ва ҳукумат қарорларини бажариш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар ҳақидаги ҳисоботлари тингланди.

Асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етишмай турган бир пайтда айрим вилоятларда жуда тақчил маҳсулотлар (дон, ун, қанд-шакар, гўшт, сарёр)ни республикадан ташқарига ташиб кетиш фактлари ҳали ҳам содир бўлаётганлиги қайд этилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўз вақтида бундай ҳолатнинг олдини олдилар, бир қанча вилоятларнинг раҳбарлари эса бундан буён шундай фактларга йўл қўйилган тақдирда айбдорлар жуда қаттиқ жавобгарликка тортилади, деб огоҳлантирилди.

Тошкент шаҳар иҳроия комитети ва бир қанча вилоятларнинг раҳбарлари шаҳар аҳолисини савдо корхоналари ва матлубот кооперацияси орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан етарли таъминламаётганликлари кўрсатиб ўтилди. Барча вилоятларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини шаҳарларда, район марказларида ва аҳоли яшайдиган бошқа жойларда сотиш учун ёйма бозорларни мунтазам равишда ташкил этиш тавсия қилинди.

Куз-қиш фасли учун зарур озиқ-овқат заҳираларини ғамлаб қўйиш, аҳолини дон, ун, қанд-шакар, гўшт билан етарли миқдорда таъминлаш мақсадида халқ депутатлари маҳаллий Советлари иҳроия комитетларининг республика ташқарисида шу молларни етиштирувчилар билан айрибошлаш битимларини амалга оширишларига ижозат бериш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Президентининг чакана нархлар ислоҳ қилиниши муносабати билан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, келин-куёвларга мебель, гиламларни арзон нархларда сотиш, мактаб формаси, болалар пойабзали учун аниқ нархларни белгилаб қўйиш, меҳнаткашларга берилаётган компенсация тўловларини 100 сўмгача етказиш ҳамда болалари ва ўқувчи ёшлари бўлган оилаларга бир йўла компенсацияларни қўшайтириш тўғрисидаги фармонларини ҳамда ҳукуматнинг шу ҳақдаги қарорларини амалда рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор берилди.

Ўзбекистон ССР Молия вазирлиги совет ва хўжалик идоралари билан биргаликда зарур тўловлар бюджетга ўз вақтида тушиб туришини таъминлаш, шунингдек аҳолига компенсация тўлаш учун зарур пул маблағларини қидириб топиш топширилди.

Янги ўқув йили бошланиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Савдо вазирлигига, Ўзбекбирлашувга республикадаги барча болаларни мактаб формаси, пойабзал ва бошқа анжомлар билан тўла ҳажмда таъминлаш имкониятини қидириб топиш топширилди. Ушбу топшириқни ўз вақтида амалга ошириш учун комиссия тузилди. Бу комиссия бир ҳафта муддат ичида барча вилоятларда мактаб ашёлари етарли миқдорда бор-йўқлигини текшириб чиқиши ва амалий ёрдам бериши лозим.

Айни вақтда вазирликларга, идораларга соғлиқни сақлаш, маданият, маориф ходимларига иш ҳақи ўз вақтида тўланмаётганлиги ҳақидаги мисоллар кўрсатиб ўтилди ва вужудга келган вазиятда бунга асло йўл қўйиб бўлмаслиги таъкидланди.

Шу муносабат билан республика банкларига, хўжалик идораларининг раҳбарларига ишчилар, колхозчилар, ишлаб чиқариш соҳаси ходимларининг иш ҳақи ва пенсионерларнинг пенсиялари ўз вақтида тўланиши устидан назоратни кучайтириш топширилди.

Ҳудуд ва тармоқ идораларининг раҳбарлари билан селектор кенгашларни мунтазам равишда ўтказиб туриш, ижтимоий дастурлар қандай бажарилаётгани хусусида уларнинг ҳисоботларини тинглаш зарур, деб топилди.

Аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини ўз вақтида ва тўла-тўкис амалга ошириш, уни озиқ-овқат, энг зарур моллар билан таъминлаш, турмушнинг барча соҳаларида тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш республикаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаб қолишга, иқтисодиётни юксалтиришга ва халқ фаровонлигини янада ошириш учун шароит яратишга имконият бериш қайд этилди.

СССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН СУҲБАТИ

(Давоми. Бошн биринчи бетда).

мушни яхшилаш учун жаҳаллик ва қатъият билан ҳамма ишларни қилиш керак. Аммо мен масалаларни ҳал этишнинг юзлаб, минглаб, миллионлаб одамлар нобуд бўладиган усулига қатъиян қаршиман. Бу ўринда мен фақат сиёсий ва маънавий мулоҳазалар билангина шундай йўлни тутаётганим йўқ. Бундай усулдан биз бутунлай воз кечишимиз зарур. Акс ҳолда биз ўзимиз амалга оширишга киришган барча ишлардан воз кечишимиз, уларга хиёнат қилиб, кўмиб ташлашимиз керак. Янгидан қонли жаҳаннам гирдобига тушиб қолишга яна рози бўлишимиз керак.

Шунинг учун мен бундай дедим: сиз ҳам, сизни юборганлар ҳам бузғунчиларсиз, сизлар ўзингизни ҳалок этасиз, сизлар-ку майли-я, ихтиёр ўзингизда, лекин мамлакатни, биз қилаётган жами ишларни ҳалок қилмоқчисиз. Биз шартномани имзолаш арафасида турибмиз. Шундан илгарироқ бир ой мобайнида ишлаб, озиқ-овқат, ёқилғи, молия муаммоларига оид йирик қарорлар тайёрлаган эдик, бундан муддао — сиёсий ва иқтисодий вазиятни тезроқ барқарорлаштириш, бозор жараёнларини жадалроқ ривожлантиришдир. Турмушнинг барча соҳаларида қанот ёйиш учун одамларга кўпроқ имконият беришдир. Тотувлик кўзга чалиниб қолганда шундай қилинди. Дарҳақиқат, тотувлик етишмай турибди, ҳали у томон, ҳали бу томон шубҳага тушмоқда. Жумҳуриятлар билан марказ ўртасидаги, сиёсий ва ижтимоий ҳаракатлар ўртасидаги муносабатларда шундай бўлиб турибди. Булар кўриниб турган нарсалар. Аммо тотувликни қидириш — якка-ю-ягона йўлдир. Тотувлик нишоналари кўриниб қолди ва биз олға қараб силжий бошладик. Фақат ўз жонига қасд қилган кишиларгина ҳозир мамлакатда яккаҳокимлик режимини жорий қилишни тавсия этиши мумкин.

Истеъфога чиқинг, деган талаб қўндаланг қўйилди.

У талабингизга ҳам, бу талабингизга ҳам сира рози бўлмайман, дедим мен, сизни бу ерга жўнатганларга шу гапни етказинг. Сиз билан гаплашадиган бошқа гапим йўқ. Сиз Президент ҳар қандай телеграмма остига дарҳол имзо чекишга тайёрдир, деб айтишингиз мумкин. Бизда бунинг учун сабаб бор — 20 август куни янги Иттифоқ шартномасини имзолаймиз. Ўшанда якшанба оқшоми эди, мен тантанали маросимдаги нутқим матнини ёзиб тугатаётган эдим. (Тушдан сўнг соат 4 ларда Шахназаров билан шу хусусда гаплашдим. Ёнимда эса бошқа ёрдамчим — Черняев бор эди, лекин у, суҳбатда қатнашмади). Биз у ерда кўпгина раҳбарлар билан учрашамиз, 21 август кунига эса Федерация Кенгашининг мажлиси белгиланган: биз ана шу барча масалаларни муҳокама қиламиз. Биз ҳукумат даражасида келишувга кела олмаган муаммолар хусусида келишиб олишимиз керак.

Ана шулар марказий масалалардир. У ерда бир қарорга келишимиз керак, дедим мен, лекин сиз ўйлаётган йўллар билан эмас. Боринги, сиз эртага фавқулодда ҳолат эълон қиласиз дейлик, кейин нима бўлади? Лоақал бир кун кейин нима бўлишини, кейинги тўрт қадам қандай бўлишини айта оласизми? Мамлакат рад этади, мамлакат шу тадбирларнинг барчасини қўллаб-қувватламайди.

Сиз қийинчиликлардан, халқнинг толиқиб қолганидан, у ғўё ҳар қандай мутлақ ҳокимни қўллаб-қувватлашга тайёрлигидан устомонлик билан фойдаланиб қолишни истайсиз...

Мен ўша кунлар ўртоқ Черняев билан биргаликда жуда катта мақолани ёзаётган эдим, бу мақола 32 бет чамаси бўлиши мумкин эди. Ўша мақолада шунга ўхшаш бир воқеа бўлиши баён қилинган эди, буни қарангки, «қаҳрамонлар ҳам кириб келиб қолишди». Ўша воқеа хусусида мен баён этган далил-исботлар аниқ: бу жамият учун ўлим билан баробардир, бу шундай боши берк кўчаки, жамиятни орқага улоқтириб ташлайди, қўлимиздаги барча бисотни кўмиб юборади.

Ҳамонки, раҳбариятнинг бир қисми шубҳага тушиб қолган экан, мен халқ депутатлари съездини, Олий Кенгашни чақиришга тайёрман. Келинг, йиғилайлик, муҳокама қилайлик. Жойлардан келган депутатлар нималар содир бўлаётганини билиб олишсин. Фавқулодда қарорлар, бошқа чоралар кўрайлик. Мен тотувлик йўлини, ислоҳотларни теранлаштириш, Ғарб билан ҳамкорлик йўлини ҳимоя қиламан, шу уч асосий йўналишни ҳозир бир-бирига пайвандлаш, бир-бири билан ҳамоҳанг этиш зарур. Бунинг устига ҳозир, ана шу ҳал қилувчи босқичда халқлар биз билан ҳамкорлик қилиш истагини айтмоқдалар.

Аммо кар-соқовларга гап уқтириб бўлармиди. Улар, ҳойнаҳой, шай бўлишган эди. Ҳозир шу нарса аёнки — иш бошлаб юборилган эди. Мен, сизга айтадиган гапим йўқ, дедим. Бориб айтинг, мен батамом қаршиман, сиз мағлубиятга учрайсиз. Мен халқнинг бошига фалокат тушишидан ва сўнгги йилларда биз қилган ишларнинг чил-парчин бўлишидан хавотирда эдим... Шу билан учрашув тугади.

Аммо уларнинг талабига қарши мен ўзимнинг қатъий талабимни айтиб, хулосаларимни баён этганимдан сўнг, энди муҳолифликка ўтиб олишди. Ҳам денгиз томондан, ҳам қуруқликдан яккалаб қўйишди. Менинг ёнимда 32 қўриқчи бор эди. Улар охиригача туришга қарор қилишди, ҳамма нарсадан, шу жумладан, оиламдан ҳам «кўз-қулоқ» бўлиб туришди, барча жойларни тақсимлаб олишди. Янаев гуруҳи журналистлар билан бўлган учрашувда, гўё мен оғир бетоб бўлиб қолганим ва энди ишга чиқишим муккуллигини айтгани маълум бўлганидан кейин, менга шу нарса аён бўлдики, ана шу Баёнот рўёбга чиқиши учун барча шарт-шароит муҳайё этилади. Қўриқчилар ҳам буни ўқиб олишди. Озиқ-овқатдан воз кечишга қарор қилинди. Қўлимизда борига қаноат қиладиган бўлдик. Ана шу жиноятчиларнинг сиёсий жиҳатдан кўрлиги ва масъулиятсизлигидан ларзага тушган ва қаҳр-ғазабим ошиб тошган бўлса ҳам, лекин ўзимни жуда вазмин тутдим. Шунга ишончим комил эдики, бу воқеа узоқ давом этиши мумкин эмас эди — қўллари калталик қилади.

72 соат яккаланиб турдик, курашавердик. Назаримда, Президентнинг руҳини букиш учун ҳамма ишлар қилинди. Нима ҳам дердим, оғир бўлди...

Ҳар куни эрталаб ва кечқурун алоқа тикланишини, дарҳол самолёт юборилишини ва Москвага иш жойимга учиб кетишимни талаб қилавердим. Янаев гуруҳи журналистлар билан учрашгандан кейин мен юқоридаги талабларга яна биттасини қўшдим. Сиҳат-саломатлигимнинг ёмонлашганлиги ҳақидаги ёлғон хабар матбуотда рад этилишини талаб қилдим. М. С. Горбачев, сизларнинг ҳузурингиздa сўзлаган ўша гуруҳга мансуб жуда бардам-бақувват кишиларнинг қўллари титраб турган эди, деганида, журналистлар кулиб юборишди ва қарсак чалишди. Сиз, деди Президент, яхши саволлар бердингиз, уларни обдон мазаҳ қилдингиз, ахир бу майнабозчилик эди-да.

Оламдан узилиб қолган эдик. Лекин фаросатли йигитлар идора хоналаридан эски приёмникларни топиб келишди, антенналарни мослашди. Ниманики эшитиш мумкин бўлса шуни эшита бошлашди. Би-Би-Си, «Озодлик» радиостанцияларининг эшиттиришлари дурустроқ янграй бошлади. Шундан кейин «Америка овози» хабарлари пайдо бўлди; ҳарқалай менга ана шу ахборотга суяниб шуни айтишган эди.

Шундан кейин М. С. Горбачев совет ва чет эл журналистларига миннатдорчилик изҳор этди, телевиденне орқали совет халқига Мурожаатимни ҳозиргина ёзиб олишди, ушбу Мурожаатда сизларга миннатдорчилик айтганман. Одамлар фуқаролик бурчига содиқ қолиб, масъулиятли позицияни эгалладилар ва бузғунчилар билан ҳамкорлик қилмадилар. Бу қилмиш зўравонлик бўлди. Ур-тўпалонлар ҳақида менга обдон сўзлаб беришди, хабарим бор, деди Президент.

Бу ерда, сизнинг ҳузурингизда шуни айтмоқчиманки, деб сўзини давом эттирди М. С. Горбачев, мен ҳақиқатан ҳам сиз билан биргаман. Биз олти йил мобайнида шу қадар машаққат билан, шу қадар азият чекиб олға қараб ҳаракат қилиш йўлларини деҳқиқ қидирмаганлигимизни сиз ҳаммангиз кўриб турибсиз. Жамият исёнчиларни рад этди, улар яккаланиб қолишди. Армияни халққа қарши қўйиш уларнинг қўлидан келмади. Армия одамлар билан алоқа боғлади ва ҳеч ким ҳеч нарса қилолмай қолди. Шунда фитначилар мағлуб бўлганликларини тушунишди.

Жумҳуриятлар тўғри йўл тутдилар. Мен Россия парламентининг, Россия депутатларининг, Россия ҳукуматининг тутган қатъий йўлига ҳамда Россия Президенти Борис Николаевич Ельцининнг матонатига муносиб баҳо беришим ва биринчи ўринга қўйишим керак.

Яна шуни айтишим керакки, бугунги кунда москваликлар ва ленинградликлар, кўпгина бошқа минтақаларнинг аҳолиси лозим даражада қатъий позицияда турганига ҳам муносиб баҳо беришимиз керак бўлади. Фитначилар гўё мамлакат уларни қўллаб-қувватлаётгандек қилиб кўрсатишга уриндилар. Лекин улар нинамидир топишди — ахир, бизда ҳозир ҳамма нарсани топиш мумкин.

Моҳият эътибори билан мамлакат бу қонли йўлни рад этди. Назаримда, халқнинг асл позициясидан далолат берувчи бундан яхшироқ далилларни, фикрни бундан теранроқ билиб олишни бошқа бирон йўл билан топиш мушкулдир. Шу кунларда мен кўп одамлар билан — Президент Буш, Президент Миттеран, Канцлер Коль, Бош министрлар — Мейжор, Мальруни, Хоук, Кайфу, Андреотти, Президент Муборак билан гаплашдим... Хуллас Каддафи, Ҳусайн ва Рубикс бундан мустаснодир. (Залда кулги).

Болтиқбўйида, бошқа республикаларда жараёнлар осонлик билан кечмаётганлигини тушуниб турибман. Аммо ўша муаммоларни бутунлай бошқача усуллар билан ҳал этиш лозимлигини кўрмаслик ҳам сиёсий сўқирликдир. Мен Рубикс хусусида гапирганимнинг боиси бор, менга айтишларига қараганда у ўша комитетни қўллаб-қувватлашини дарҳол айтибди.

Россия, унинг раҳбарияти, бошқа республикалар халқ муросасиз позиция эгаллаганлиги, армия халққа қарши бормаганлиги маълум бўлиб қолганидан кейин улар саросимага тушиб қолиб, аҳволдан чиқиш йўлини қидира бошладилар.

Менга айтишларича, бир гуруҳ фитначилар Президент самолётида Қримга келишиб, Президентни Москвага олиб кетишмоқчи бўлишган. Улар келишганидан кейин, мен бундай дедим: уларни уйга киритиб, қўриқчи қўйинг ва менинг қуйидаги талабимни етказинг: ҳукумат алоқаси уланмас экан мен уларнинг биронтаси билан ҳам сўзлашмайман. Алоқани тиклашга кўп вақт кетади, дейишди. Ҳеч-киси йўқ, дедим мен, энди ҳеч қаёққа шошилаётганим йўқ. (Залда кулги).

Алоқа уланди, мен мамлакат билан гаплаша бошладим. Биринчи бўлиб Борис Николаевич Ельцин билан гаплашдим, Назарбоевга, Кравчукка, Дементейга, Каримовга қўнғироқ қилдим. Мен уларга гарнизоним билан бу ерда турганимни айтдим. (Кулги). Дарҳақиқат 72 соат жиғибийрон бўлиб турдим. Қўриқчилар, бизни кемада олиб кетишса, керак, деган хаёлга боришибди. Аммо, маълум бўлишича, аксинча, денгизчилар Президентни мушкул аҳволдан чиқариш ҳақида имо-ишора қилишган экан.

М. С. Горбачев флот фитначиларнинг ҳатти-ҳаракатига қўшилмаганлигини таъкидлади.

Шундан кейин, деди у, мен ишга киришдим. Мен Моисеевга (уни Қримдан чақиртириб олишди) мудофаа вазирлигига раҳбарликни ўз зиммасига олиши, қўшинларни дарҳол казармаларга, ўзлари турган жойга қайтарилиши, Язовга лавозимидан четлаштирилгани ва қамалишини айтиши тўғрисида кўрсатма бердим.

Бу ишларнинг ҳаммаси қилинди. Мен Кремль комендантини топиб, Давлат хавфсизлиги комитетининг полки кимга бўйсунаётганини сўрадим ва полк командирини чақириб беришни талаб қилдим. Уни чақиришди. Унга телефонда, мендан ва Кремль комендантидан бошқа ҳеч кимга бўйсунманг, деб кўрсатма бердим. У: «Шундай қилинади», — деди.

Хуллас, мен дарҳол фалокатнинг йўлини тўсиш учун энг муҳим жойларга қўнғироқ қила бошладим, чунки ҳали хавф бартараф этилмаган эди. Йўлда ҳам, бошқа бирон жойда ҳам мени йўқ қилишлари мумкин эди.

Кейин менга Россия Федерацияси делегацияси тушган самолёт учиб келаётганини айтишди. Мен, аввало, уларни қабул қилишимни айтдим. Вазир Панюков билан, Моисеев билан алоқа боғладим, делегация тушган самолётни Симферополда эмас, балки ҳарбий аэродромда қўндириш лозимлигини айтдим, агар Симферополга тушишса, мен турган жойга келишгунича орадан 3 соат ўтган бўлур эди. Уларни кутиб олиш, транспорт етказиб бериш ҳақида буйруқ бердим. Делегация етиб келди. Биз гаплашиб бир-биримизни яхши тушундик, назаримда, бошимиздан кечган воқеалар туфайли тажрибамиз ҳам, бир-биримизни тушуниш ҳам ортди. Шунинг ўзи демократик кучларнинг бирлашиши нима-ю уларнинг ажралиб кетиши нималигини кўрсатди. Баъзан бирон-бир масала хусусида бир-биримизнинг пешонамизни ёргудек бўламиз, бир-биримизни душман деб эълон қилишгача борамиз... Биз, деди сўнгра Президент, жўнаб кетиш ҳақида ўйлай бошладик. Сўнгра мен яна анчагина кўрсатмалар бердим.

Ивашко ва Лукьянов алоҳида-алоҳида келишди. Уларга транспорт беришмаса ҳам етиб келишибди. Уларни қабул қилдим. Фитначиларни эса қабул қилганим йўқ, кўрганим йўқ, кўришни ҳам истамайман. Биз уларни самолётларга бўлиб юбордик, олиб келдик, самолётдан тушишаётганда ҳаммаларини қамоққа олдик ва ажратиб ташладик. Мен Кремль комендантига улар билан ҳамкорлик қилган кишиларни киритмаслик ҳақида буйруқ бердим.

Шартномани тузиб чиққан ва уни имзолашга тайёрлаган тўққиз республика раҳбарлари билан учрашувни эртага тайинладим. Биз эртага учрашамиз ва барча масалаларни муҳокама қилишимиз керак.

Бу оғир сабоқ. Шахсан менга оғир сабоқдир. Бу мен учун оғир жароҳатдир, деб эътироф этди Михаил Сергеевич.

Назаримда, биз эртага олдинга қараб қиладиган ҳаракатимизнинг бош масалалари ва янги тадбирлар юзасидан нуқтаи назарларни муҳокама қиламиз, ўйлаб кўрамиз ва ишлаб чиқишга киришамиз. Бунда бошимизга тушган кулфатнигина эмас, ана шу воқеалар важидан очилган жуда катта имкониятни ҳам кўриш керак. Бу воқеалар халқимизнинг қатъий йўлини кўрсатди. Чет эл давлатларининг раҳбарлари билан бўлган суҳбатларда улар халқ тутган йўл, армия тутган йўлга эътиборни қаратдилар, Иттифоқда ҳозирнинг ўзидаёқ шундай ўзгаришлар содир бўлдики, энди бу ўзгаришлар шарофати билан орқага қайтилмайди. Мазкур раҳбарлар биз ана шу имкониятлардан фойдаланишимизга умид боғламоқдалар. Уларнинг ҳаммаси ҳамкорлик қиламиз, деб ишонтирдилар ҳамда бу ҳамкорлик яна ҳам фаолроқ, яна ҳам қатъиятли бўлиши лозим, деб ҳисобламоқдалар. Мен бугун Европа Иқтисодий Ҳамжамияти мамлакатларининг 12 элчисини қабул қилдим, улар биз билан бирдам эканликлари ва бизни қўллаб-қувватлашларини айтдилар.

Қандай қарорлар қабул қилинди? Мен Фармон чиқардим...

Мен сизга айтсам, аҳвол шундай эдики, мени, оиламни, мен бирга бўлган кишиларни йўқ қилиб юборишлари ёки азоб-уқубатга солишлари ва Президент мана бундоқ позицияда турибди, деб айтишлари, бунинг устига унинг номидан ҳаракат қилдик, деб рўкач қилишлари мумкин эди. Журналистлар билан бўлган ўша суҳбатда гарчи жўн, қўпол бўлсада, уларнинг макр-ҳийласи менга аён бўлди, Россия Федерациясидан келган бир ўртоқнинг менга айтганидек, бошқа кўп нарсалар қатори улар макр-ҳийлага ҳам уддабурон эмас экан.

Мен дарҳол сўз ва тасвиримни видеопленкага туширишга қарор қилдим. Тўртта ёзув пайдо бўлди. Плёнкани Ирина ва Анатолий тўрт қисмга бўлишди ва биз уни жўнатиш учун ишончли одамни, ишончли йўлларни қидира бошладик.

Президент пленкани журналистларга кўрсатди. Мана бу плёнка шулардан биридир, деди Президент, уни Игнатенкога бераман, кўриб чиқсин, ҳалиги гуруҳ «саҳна»дан тушган бўлса ҳам, бошқалар пайдо бўлиб қолиши мумкин. Врач ўз мулоҳазасини бир неча нусҳада ёзди, биз уни тарқатдик, бундан муддао шуки, Президентнинг сиҳат-саломатлигини аслида қандайлигини ҳамма билиб қўйсин. Ниҳоят, мен дастлабки тўрт банддан иборат баёнотни ёздим ва ўз қўлим билан буни мен ёзганман, деб қўшиб қўйдим (ўша тўрт банд ёзув машинкасида ёзилган) ва имзоладим.

Биринчи банд: менинг бетоблигим, ўз вазифаларимни бажаришнинг имкони йўқлигини рўкач қилиб, Президент вазифаларини адо этишни Янаев ўз зиммасига олганлиги — бу ҳалқни алдашдир ва шу боисдан ҳам бунга давлат тўнтариши деб баҳо берилиши керак.

Иккинчи. Бунинг маъноси шуки, шундан кейинги барча хатти-ҳаракатлар ғайриқонуний ва ғайриҳуқуқийдир: Президент ҳам, халқ депутатлари Съезди ҳам Янаевга бундай ваколатларни бермаган.

Учинчи. Лукьяновга таркиб топган вазиятни кўриб чиқиш учун СССР Олий Кенгаши ва халқ депутатлари Съездини зудлик билан чақириш тўғрисидаги менинг талабимни етказиб қўйишни сўрайман. Чунки фақат Съезд ва халқ депутатларигина, таркиб топган вазиятни кўриб чиқиб, зарур давлат тадбирлари ва уларни амалга ошириш воситаси тўғрисидаги масалани ҳал этишга ҳақлидирлар.

Тўртинчи. Олий Кенгаш ёки халқ депутатлари Съездининг юқорида эслатиб ўтилган қарорлари қабул қилинишига қадар бундан буён Фавқулодда ҳолат давлат комитетининг хатти-ҳаракатлари дарҳол тўхтатиб қўйилишини талаб қиламан. Бундай хатти-ҳаракатларнинг давом эттирилиши, Фавқулодда ҳолат давлат комитети кўраётган чораларнинг бундан буён ҳам кўпайиб бораверишн барча халқларнинг бошига кулфат солиши, вазиятни янада кўпроқ кескинлаштириши ва ҳатто, марказ билан республикаларнинг тангликдан чиқиш юзасидан келишиб олинган ишни батамом барбод этиши мумкин.

Мен жавобни талаб қилдим. Менга, кутинг, жавоб бўлади, дейишди. Аввалига ҳеч қандай жавоб бўлмади, кейин эса, жавоб бўлади, дейишди. Лекин ҳеч қандай жавоб олганим йўқ.

Аҳвол ана шундай.

Ҳозир энг муҳими — қарор қабул қилиш керак. Мен вице-президент, комитет ва ҳукуматнинг шу кунларда қабул қилган барча қарорларини бекор қилдим. Мен ўз ҳокимиятимдан фойдаланиб, одамларни эгаллаб турган лавозимларидан четлаштирдим ва бўшатдим. Олий Кенгаш қарорларини талаб этадиган масалаларни эса кўриб чиқиш учун тақдим этдим. СССР прокурори менга кеча жиноий иш қўзғатилганлигини айтди ва биз тергов бригадаси СССР ва РСФСР терговчиларидан иборат бўлади, деб келишиб олдик.

Бир кун ҳам эътиборсиз қолдириб бўлмайдиган соҳалар бўйича муваққат қарорлар қабул қилинди. Эртага республикаларнинг раҳбарлари билан учрашганимизда, жумладан, ва асосан ҳокимият ишлаши; баҳамжиҳат ҳаракатлар кучайиб бораверишн учун кучларни жойлаштиришни пухта ўйлай бошлаймиз. Вақт ғанимат, дастур бор, олға қараб ҳаракат қилиш керак, муаммоларни ҳал қилиш лозим, бу энг асосийсидир.

Неча ўнлаб одамлар қўл кўтаришгани СССР Президентига матбуот ходимлари берадиган саволларнинг кўплигидан далолат беради. Дастлабки саволнинг мазмуни бундай: нега давлат бошлиғи теварагида исёнга қодир бўлган одамлар бор эди?

Биз шу қадар кенг миқёсдаги, шу қадар теран ва кўламли ислоҳотлар қайси жамиятда амалга оширилаётганини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак, деди М. С. Горбачев. Бу мамлакатимизнинг ўзига хослигидир. Бу мамлакатда неча ўн йилликлар ва ҳатто неча асрлар мобайнида содир бўлган воқеалар, ўзгаришларнинг суръати, теранлигинигина эмас, айни вақтда танлаб олинган вазифаларни ҳал этишнинг усуллари, шаклларини ҳам тақозо этади.

Рўй-рост айтадиган бўлсам, биз мамлакатда жамоатчилик фикрини, демократик вазиятни қарор топтирмаган бир пайтда, яъни дастлабки босқичларда ана шундай бурилиш муваффақият қозониши мумкин эди. Ана шу йиллардаги менинг вазифам мазкур сиёсий йўлни ўтказиш, асраб-авайлаш ва қутқариб қолишдан иборат бўлди.

Кейинги босқичларда аҳвол тубдан ўзгарди. Биринчидан, Бутуниттифоқ XIX партия конференциясидан кейин теран демократик жараёнлар бошланди, бошқача муҳит юзага келди. Шундан кейин сайлов бўлди, ошкоралик рўёбга чиқди. Ва ниҳоят матбуот (ҳатто сўнггги кунлардаги маълум йўналиши ва ҳовлиқмалигига қарамай, матбуотда нималар босилгани ва ҳозир нималар босилаётганлигига қарамай) ҳам ўзгарди. Йўл-йўлакай айтадиган бўлсам, кеча менга Россия Журналистлар уюшмасидан бир гуруҳ журналистлар қўнғироқ қилишди. Мен бундай дедим: биласизми, биз ҳаммамиз жуда диққат-эътиборли бўлишимиз керак. Бу ҳаммага сабоқ бўлди, чунки важ-баҳонадан, вазиятнинг ўткирлигидан, баъзан эса газеталардаги мақолаларнинг беандишалигидан фойдаланилди. Мана буни қаранг, лавозимларни ким олаяпти, халқни чўчитаяпти, у томондан ҳам диктатура ўрмалаб келаяпти, бу томондан ҳам бошқа диктатура ўрмалаб келаяпти, деб ёзилди газеталарда.

Президент қайта қуришнинг турли босқичларида жамиятдаги сиёсий кучларнинг жойлаштирилишини қисқача таҳлил этиб, бундай деди: биз ҳозир ўзгартишларнинг ҳал қилувчи босқичига етиб келдик. Ҳокимият ўзгармоқда, мулкчилик муносабатлари ўзгармоқда, Федерация ўзгармоқда. Янги Иттифоқ шартномаси имзоланадиган кун ҳам яқинлашиб қолган эди. Шартномани имзолаш арафасида рўй берган воқеалар, қилинган ишлар тасодифий эмас. Қатиқ олишув бўлаётганининг сабаби ҳам шунда. Буни ҳамма тушуниши, рўй берган воқеалардан сабоқ чиқариши керак.

Бу вазиятда ҳамма — ўзгартиш тарафдорлари ҳам, унга қарши бўлганлар ҳам шошилди. Турли ёндашувлар, турли йўллар пайдо бўлибгина қолмай, улар кўпчилик олдига қўйилди. Шу жумладан халқ депутатлари Съездида ҳам «Йўқолсин президент!» деган шиорлар ҳамда қандайдир «ижтимоий нажот комитети»ни тузишга даъватлар эшитилиб қолди. Бунда ҳеч қандай янгилик йўқ.

Мен эса қайта қуриш йўлини сақлаб қолишни ўзимнинг вазифам деб билдим. Мамлакат тарихида биринчи бўлиб ҳамма нарсани қон тўкмасдан, тотувлик асосида ҳал этишга уриндим. Бунга ишончим комил, умримнинг охиригача ана шу йўлда тураман!

СССР Президентидан Россия Президенти Б. Н. Ельцин танглик кунларида қабул қилган фармонларга, РСФСР Олий Кенгашининг фавқулодда сессиясида қабул қилинган қарорларга муносабатингиз қандай, деб сўрашади.

Ўша вазиятда россияликлар олий манфаатларга асосланиб, ҳаракат қилдилар, деб ҳисоблайман. Улар қабул қилган нарсаларнинг ҳаммасини ана шу вазият тақозо этди, деб жавоб берди М. С. Горбачев.

Журналистлар Президентдан, сизнинг фитна ташкилотчиларига шахсий муносабатингиз қандай, деб сўрашади.

Мен юқорида содир бўлган воқеалар ўзим учун ҳам сабоқ бўлганини айтган эдим, деб жавоб берди М. С. Горбачев. Жумладан, СССР халқ депутатлари Съезди биринчи марта таклиф қилиниши билан вице-президентни сайламагани тўғри экани, мен эса буни қаттиқ талаб қилганимни энди кўриб турибман. Бу менинг бирдан-бир ҳатоим эмас. Энди шу хатоларни кўриб турибман. Очиғини айтай, мен, айниқса, Язов билан Крючковга ишонган эдим.

Буларнинг ҳаммасидан сўнг ўзингиз, феълингиз қандай ўзгарди, сўрайди ҳозир бўлганлардан бири.

Менинг хулосаларим шундай, ислоҳотларни амалга оширишни қатъиян олға силжитиш керак, дейди М. С. Горбачев. Бунинг учун кучларни қайта жойлаштирмоқ лозим. Бу ишга зудлик билан киришиш зарур. Бунингсиз биргалашиб ҳаракат қила олмаймиз ва ислоҳотларнинг олға силжишини таъминлай олмаймиз.

Саволлардан бири КПСС-нинг танглик кунлари тутган йўлига тегишли бўлди. Бу саволни берган журналист партия энг оғир damларда четга чиқиш, сукут сақлаш ҳуқуқига эга эмас, деб ҳисоблайди. Бундай сиёсий ташкилот ҳозирги куннинг талабларига жавоб берадими?

Бу — энг муҳим саволлардан бири, деб ҳисоблайман, деди Президент. Бу биз кўришимиз, билишимиз, тушунишимиз лозим бўлган рўйирост воқеликдир. КПСС сафларидан реакцион кучларни қувиш учун кучим етганича ҳамма ишларни қилишни ўз бурчим деб биламан.

Унинг янги Дастури негизида партиядаги барча илғор, барча яхши, фикрловчи кишиларни бирлаштириш имконияти бор, деб ҳисоблайман. Шу сабабли партия ҳақида умуман реакцион куч сифатида гапирилганида, мен бунга қўшилолмайман. Унинг сафларидаги минглаб кишилар ҳақиқий демократлар, қайта қуриш тарафдорлари, курашимиз тарафдорлари эканлигини яхши биламан. Улар таслим бўлишмаяпти, КПССнинг янги Дастурида ана шу нарса равшан акс этиши керак. Дастур эски даврларни қўмсаётган кишиларга мос бўлишини ҳеч қачон хоҳламайман. Шу сабабли партиянинг ўзи ислоҳ қилиниши, у қайта қуришнинг жонли кучига айланиши учун ҳамма ишни қилишимиз керак. Коммунистларнинг тутган йўлига, шу жумладан, содир бўлган воқеаларга нисбатан тутган йўлига келганда баъзи комитетлардан ташқари улар, айниқса, оддий коммунистлар кўпгина ҳолларда холис бўлмаган коммунистлар билан алоқаларини уздилар.

М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитети Котибиятининг нуқтаи назари ҳақида гапирар экан, раҳбарият ўзини у ёкдан-бу ёққа ура бошлаганини айтди. Охир-оқибатда соғлом кучлар таъсири остида Котибият тўғри қарор қабул қилди. Михаил Сергеевичга маълум бўлишича, икки киши Сиёсий бюро таркибидан чиқишини айтибди. Чунки улар Сиёсий бюро ёки Котибият Фавқулодда комитет тадбирларини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги талабни қўллаб-қувватламаганларига қўшилмабдилар. Менга айтишларича, деди М. С. Горбачев, булар — Шенин ва Прокофьевлардир. Лекин Котибиятда, айни вақтда мен билан тезда учрашишни талаб қилиб, курашган кишилар ҳам бор эди. Ивашко ва Дзасохов, айниқса, Купцов ҳамда бошқалар ана шундай йўл тутдилар. Ниҳоят, ўртага талаб қўйиб, Қримга, Бош котибнинг олдига етиб боришди.

Хорижий журналистларнинг бири: ҳозир кимда ҳокимият кўп — СССР Президентидами ёки Россия Президентидами, деб сўрайди.

Мен масалани бундай қўяётганим йўқ, дея изоҳ берди М. С. Горбачев. Биз Борис Николаевич билан кейинги ойларда тотувлигимиз, ҳамкорлигимиз барча республикалар билан биргаликда ҳамма демократик кучларни бирлаштиришнинг доимий омили бўлиб қолиши учун қўлдан келган ҳамма ишларни қилямиз. Буни кейинги кунлар ҳам кўрсатди. Келинглар, шу ҳақда ўйлайлик. Кимлардир бундай мавқени йўқ қилишга уринмоқда, лекин вазият бизни чиниқтирди, Эндиликда биз кимнинг аслида ким эканлигини биламиз.

Сиёсий саволлардан ташқари, «унинг шахсига таалluқли» савол ҳам берилади: сиз билан бирга ана шу энг оғир уч кунга Раиса Максимовна ҳамда оилангиз аъзолари қандай дош бердилар?

Набирамиз Анастасия ҳаммадан яхшироқ бардош берди, деб жавоб берди Михаил Сергеевич, у ҳеч нарсага тушунмас, чопгани-чопган эди, Ҳадеб денгизга олиб боришни сўрарди. Шундай қилишга ҳам тўғри келди. Бироқ кейинги кунларда соқчилар бундай қилмасликни талаб этди. Чунки ҳамма нарса бўлиши мумкин эди. Шу сабабли биз уйдан эшикка чиқмай, бекиниб ётдик. Буларнинг ҳаммаси Раиса Максимовна билан қизимга жуда оғир таъсир қилди. Кеча Раиса Максимовнанинг масаси қочди, ҳайрият бу ўткинчига ўхшайди.

Яна саволлар берилади. Савол берган кишилар фитначилар нима сабабдан шундай қилганликларини билишга уринадилар.

Бу жамиятимиздаги ўзгаришларни хоҳламаётган, ундан қўрқаётган бир гуруҳ кишиларнинг раҳбарларидир, деди Президент. Мамлакатимизда муттасил таназзул давом этмоқда. Лекин биз ундан чиқяпмиз.

Учрашув қатнашчиларидан бири бундай воқеалар такрорланиши мумкинлигидан хавфсираётганлигини айтади. Шу муносабат билан, жумладан, СССР Давлат хавфсизлиги комитети тузилмасида Президентни қўриқлашнинг ўрни ва аҳамияти, оммавий ахборот воситаларининг аҳволи, уларнинг чинакам эркинлиги тўғрисидаги масала ўртага қўйилади.

Соқчилик хизматига келганда эса, мен бу масалани ҳозир, ана шу оғир даврда шуғулланиш учун жуда муҳим масала деб ҳисобламаган бўлур эдим. Мен умуман бу масалага ҳотиржамлик билан қарайман, деб жавоб берди М. С. Горбачев. Ушбу муаммо устида ўйлаб кўриш лозимдир, лекин ҳозир ҳам буни асосий муаммо деб ҳисобламайман.

Оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти тўғрисидаги масала муҳимроқ. Умуман бу йўналишда демократия эришган ютуқларни сақлаб қолишдан бошқа йўлни кўрмаяпман. Агар халқимиз билан бир қаторда демократик матбуот фаол ўртага чиқмаганида халқимизнинг кўксини қалқон қилган шу кунларда намоён бўлган фазилатлари кўринмаган бўлур эди, деб ўйлайман. Сиз ҳам ана шу воқеанинг сабоқлари хусусида ўйлаб кўришингизни ҳоҳлардим.

Бизга сиёсий маданият керак. Бусиз амалий сиёсий мулоқот бўлиши мумкин эмас. Мен ана шундай мулоқот тарафдориман. Бироқ, оммавий ахборот воситалари фаолиятида баъзида намоён бўлаётган беандишалик, одобсизликни қабул қила олмайман. Матбуотда инсонга нисбатан қилинган одобсизликка ҳеч чидай олмайман. Айниқса, одам бошқача фикрласа, унга нисбатан одобсизлик қилинишига чидай олмайман. Буни фикрлар хилма-хиллиги деб бўладими, ахир! Маданият ва масъулият сиёсий ҳаракатларга ҳам, сиёсий курашга ҳам, матбуотнинг ўзига ҳам зарар келтирмайди. Далилларга асосланган мақолалар жуда кучли таъсир қилишига ишончим комил. Мен бундай мақолалар муаллифларининг тутган йўлига қўшилмаган вақтларимда ҳам уларни қадрлайман, деб таъкидлади Президент. Сиёсий вайсақилик эмас, балки таҳлил керак.

Саволларнинг бири А. Н. Яковлевнинг КПСС сафидан чиқишига тегишли бўлди.

Таътил кунларимда Марказий назорат комиссияси Яковлевга тегишли масалани қандай ҳал қилганини матбуотдан билдим, деди М. С. Горбачев. Бу партиянинг ўзини янгилаш учун ҳақиқатан ҳам оғир кураш бўлишидан яна бир марта далолат беради. А. Н. Яковлев билан ҳатто суҳбат ҳам бўлмаган эди. Демак, партиямиз рисоладагидек яшамаётган экан. Бу ҳақда гапириш керак.

Ўйлайманки, Александр Николаевичнинг ўзи ҳам шошилди. Менга эса партияни ислоҳ қилиш учун охиригача курашаман, деб айтганди. Партияни ислоҳ қилишга ўз ҳиссасини қўшиши керак бўлган кучлар кетиб қолаётганига ачинаман, бу борадаги ўз вазифамни кўриб турибман ва бу йўлимдан қайтмоқчи эмасман. Мен ана шу йўлга содиқ бўлиб қоламан. Лекин асосий масалаларда ҳеч қанақасига ён босмайман. Бу КПСС янги Дастурининг лойиҳасида намоён бўлди. Партияни янгилаш учун охиригача курашаман. А. Н. Яковлев билан учрашиш ва суҳбатлашиш учун ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Биргалашиб кўпгина аччиқчучукни тотиган кишилар билан учрашишга доимо тайёрман.

Россия парламенти А. И. Лукьяновни муваффақиятсиз тугаган тўнтаришнинг мафкуравий раҳбарларидан бири деб айтмоқда. Сиз унинг бу борадаги ф

ГУРУНГ

• Янгиликдан хабарингиз борми?

БОЙҚЎНҒИРГА САЁҲАТ

Боёвут — Сирдарё вилоятининг йирик ноҳияларидан бири. Бу масканнинг фуқаролари ўзларининг кўпгина шонли ишлари билан донг таратишган. Эндиликда уларнинг ворислари ҳам оталар изидан бориб, кўпгина хайрли жабҳаларда иштирок этмоқдалар. Жумладан, улар бепоён мамлакатимизнинг турли жойларида, айниқса, Бойқўнғир ҳарбий бўлинмаларида йигитлик бурчларини ўтамоқдалар, Ватан олдидаги ўз вазифаларини сидқидилдан адо этмоқдалар.

Яқинда район жамоатчилигининг бир гуруҳ вакиллари, солдат йигитларнинг ота-оналаридан иборат 40 кишилик делегация ўз фарзандлари хизмат қилаётган ана шу ҳарбий бўлинмаларга ташриф буюрдилар. Бу ерда фарзандлар ҳаёти билан бевосита танишдилар, уларга ота-оналар, район жамоатчилиги томонидан тайёрланган совға-саломларни топширдилар. Бу ташрифдан бўлинмалардаги командирлар ҳам, ўз хизматларини ўтаётган ўғлонлар ҳам ғоятда мамнун бўлдилар.

Бундай хайрли тадбирларни ўтказиш эндиликда анъанага айланмоқда.

МАҚОМЧИЛАР КЎРИГИ

Халқимиз азалдан қўшиққа, рақсга ва бошқа кўнгилочар маросимларга ғоят ошифта. Айниқса асрлардан асрларга ўтиб келаётган мақомчилик санъатига меҳри баланд.

Яқинда Комсомол районидаги «Москва» давлат хўжалиги маданият уйида Сирдарё вилоятида биринчи бор мақомчиларнинг кўрик-танлови ўтказилди. Ўзига хос бу ижодий беллашувда вилоятдаги кўпгина мақомчилар фаол қатнашдилар.

Кўрик-танлов якунларига кўра, қўриқ Комсомол ноҳияси ёш мақомчилари биринчи ўринни эгалладилар. Гулистон ҳамда Ильич районлари мақомчилари ҳам бу тадбирда фаол қатнашиб, совриндорлар сафидан ўрин олдилар.

Ильичлик ҳаваскор Сапура Жўраева эса кўрик-танловнинг энг моҳир ижрочиси деб топилди.

А. УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• Муштарийларимиз ижодидан

Саҳифага келаётган хат-хабарлар орасида «Ғурунг»га атаб юборилган шеърлар ҳам бор. Турли касб эгалари ижодига мансуб бу асарларнинг бадиий савияси ҳар хил бўлсада, уларда қаламга олинган эзгу мавзулар эътиборлидир. Қуйида ана шундай шеърлардан намуналар ўқийсиз.

НАВОИЙ

Ғазал куйлаб халқига нур сочган Навоийдур,
Эл-улуса маърифатнинг йўлин очган Навоийдур.
Ўтар давр, аср — йиллар, ул Ҳазрат эл билан ҳамроҳ,
Яшар халқлар дилида, чин зафар қучган Навоийдур.
Илм дарёсидан гавҳар териб дилга зиё берган,
Ақлда мантиқи-маъно сирин ечган Навоийдур.
Она юртин камоли деб солиб жабру жафо жонга,
Азиз умри, ҳаётидан тугал кечган Навоийдур.
Ғазал меҳрин дилга туйган миннатдорлар ани куйлар,
Эли бирла бўлиб Ҳамдам баланд учган Навоийдур.

ҲАМДАМИЙ.
Фарғона.

ТУВАКДАГИ ГУЛЛАР

Хонаки гуллардан хушдир кўнгиллар,
Уй бекаси боқиб, хурсанд ўлтирар.
Гултувакка ўтқазилган шохгуллар,
Мендан нажот кутиб гўё мўлтирар.

Бунда бор гулларнинг ҳар бир туридан,
Уй бекаси сувлар қуйиб эркалар.
Лекин улар маҳрум қуёш нуридан,
Мана шу ўй менинг бағрим тилкалар..

Очилган қип-қизил гулни гул демас,
У — нозик гулларнинг улкан бардоши.
Тувакдар остидан сизган сув эмас,
Гулларнинг ичига ютган кўз ёши.

Нусрат АБДУСАЛОМОВ,
Андижон.

• Меros

ИБРАТ НОМИДА

Наманганлик шоир, тилшунос, маърифатпарвар Исҳоқхон Жунайдуллохўжа ўғли — Ибратнинг номи кўпчиликка яхши таниш эмас. Аммо у ўз даврининг муносиб фарзанди эди. Илк маълумотни онаси Хурибибидан олган Исҳоқхон Қўқондаги Муҳаммад Сиддиқ Тунқатор мадрасасида ўқиган. 1887—92 йилларда эса Истамбул, София, Афина, Рим, Кобул ва Жидда шаҳарларида бўлган, кейинчалик Ҳиндистоннинг Бомбай ва Калькутта шаҳарларида яшаган.

Исҳоқхон ҳорижда юрган кезлари араб, форс, инглиз, ҳинд ва урду тилларини ўрганади. Сафардан қайтгач, Тўрақўрғонда янги усулда мактаб очади, ўқув дастурига рус тилини киритади. 1908 йили ўз қишлоғида «Матбаа Исҳоқия» номли литография ташкил қилади.

Исҳоқхон Ибрат Улуғ Октябрь инқилобидан сўнг совет мактаблари очиш, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, хотин-қизларни илм-маърифатга жалб қилиш ишларида фаол иштирок этади, шеърлар ёзади. Унинг шеърий девонидан ташқари 14 та тилшунослик ва илмий-тарихий асари мавжуд. Ибратнинг араб, форс, ҳинд, турк, ўзбек ва рус сўзларидан таркиб топган «Луғат ситта алсина» («Олти тилли луғат») китоби 1907 йили Тошкентда нашр этилган.

Ибрат 1912 йили ёзган жаҳон ёзувчилари тарихига оид «Жомеъ ул хутут» («Хатлар мажмуи») асарида лотин, юнон, славян, хитой, ҳинд, айниқса, араб ёзувининг келиб чиқиши, ривожланиш тарихига алоҳида эътибор беради. Унинг Қўқон хонлигининг вужудга келишидан Совет ҳокимиятининг 30-йилларгача бўлган даври ҳақида ҳикоя қилувчи «Тарихи Фарғона», «Тарихи маданият», «Мезон уззамон» сингари илмий-тарихий асарлари ҳам мавжуд.

Ибрат илк публицистлардан биридир. У ўзининг «Туркистон вилояти газети», «Садои Туркистон», «Садои Фарғона» рўзномаларидаги мақолаларида дунёвий фан, тил ва маданиятни тарғиб этган. Тўрақўрғон районидаги 14-ўрта мактаб ва Тошкентдаги кўчалардан бири Ибрат номига қўйилган. Яқинда Тўрақўрғон районидаги Калинин номли жамоа хўжалигининг номи ўзгартирилиб, шу ҳудуддаги Сайрам қишлоғида туғилган шоир, олим ва маърифатчи Ибрат номи берилди.

П. МИРЗАЕВ.

• Мусаввир ижодхонасида

СССР Давлат мукофоти лауреати Баҳодир Жалолов Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаровга ўзининг «Мангу ва навқирон Ҳиндистон» асарини намойиш этмоқда.
Р. ШАГАЕВ олган сурат. (ЎзТАГ).

КЎЧАЛАРГА ЯНГИ НОМЛАР

Жаҳонгир Амир Темурнинг Шаҳрисабзда униб-ўсганлиги етти иқлимга маълум. Шу боисдан унинг табаррук номи юртдошларининг ҳамиша дилида. Яқинда шаҳарнинг шох кўчаларидан бирига унинг номи қўйилди

Исмоил Бухорийнинг фаолияти ҳам Шаҳрисабз билан боғлиқ. Унинг шу кўҳна шаҳри азимда таҳсил кўрганлиги тарихий ҳужжатларда қайд этилган. Унга Убай Кеший устозлик қилган. Амир Темурга эса Шамсиддин Кулол мураббий бўлган эди. Ана шу тарихий гувоҳликларга асосланиб, Шаҳрисабзнинг бир қатор кўчаларига Исмоил Бухорий, Убай Кеший, Шамсиддин Кулолнинг номлари ҳам берилди.

Бу ҳақда халқ депутатлари шаҳар кенгаши қарор қабул қилди.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МОСКВАДА «ВАТАНДОШ» УЮШМАСИ

Москвада РСФСР Адлия вазирлигининг ташаббускор гуруҳи томонидан ўзбек «Ватандош» уюшмаси тузилди ва рўйхатга олинди

Ўзбек маданияти, халқ анъаналари, миллий расм-русумлари, тили ва ёзувининг келиб чиқиши, уларнинг ривожланиши, тарихини ўрганиш уюшманинг асосий мақсадидир. Бундан ташқари у жумҳурият ташқарисида истиқомат қилувчи ватандошларни бир-бирлари билан ўзаро яқин алоқаларини уюштириш, ўзбек тилидаги мактаблар бўлмаган жойларда миллий тилни ўрганиш учун шароит яратиш каби вазифаларни ҳам ўз зиммасига олади.

Бу борада қилинаётган дастлабки ишлар анча эътиборга лойиқ. Жумладан, айни пайтда «Ватандош» ҳузурида ҳафтанинг якшанба кунлари ўзбек тили, ёзуви ва маданиятини ўрганиш юзасидан бепул мактаблар фаолият кўрсата бошлади.

Уюшманинг режаларида миллий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, ўз маъмурий ҳудудларида истиқомат қилмайдиган аҳолининг ижтимоий ва фуқаролик тенглилигини таъминлашга алоҳида аҳамият берилган.

Уюшманинг фаолияти билан бевосита танишиш ва у билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатишни истаган кишилар Москва шаҳри, Воровский кўчаси, 52-уй, 2-хонага учрашишлари, 290-43-17 ва 238-06-30 рақамли телефонлар орқали сўзлашишлари ёки Ўзбекистон ССР Доимий ваколатхонасига мурожаат этиб, бу ҳақда муфассал маълумот олишлари мумкин. Уюшманинг фаолиятини кенгайтириш учун қўлдан келганча моддий жиҳатдан кўмаклашишни истаган ватандошлар амалий ҳимматини кутамиз.

У. БАРАТОВ,
Москвадаги ўзбек «Ватандош» уюшмаси президенти.

• Саҳифамиз меҳмони

64 КАТАК СЕҲРИ



Ҳамкасбларимиз билан тушлик вақтида энг фаол мухбирлар ҳақида баҳслашиб қоламиз. Бўлимлар нуқтаи назарида ҳар биримиз ўз мухбирларимизни айтамиз.

Спорт мухлиси сифатида Мамажон Муҳиддинов номини фахр ила тилга оламан. Ажойиб дилкаш инсон. У кишини «Шахмат денгизининг ғаввоси» десак, муболаға бўлмайди.

Мамажон акани чорак асрдан буён танийман. Ота-боладек бўлиб кетганмиз. Салоҳиятли шархловчининг рўзнома ва ойномалар саҳифаларидаги ҳар бир чиқишини диққат билан кузатаман, китобларини ўқиб бораман. Шу боис бўлса керак, у киши билан учрашиб, муштарийлар учун суҳбат ташкил этиш нияти кўнглимда туғилди.

Мамажон ака Тошкентнинг Қашқар маҳалласидаги кўп қаватли уйда яшайди. Уй жиҳозлари оддийгина. Жавонларга китоблар, эсдалик совғалари, турли миқёсдаги мусобақаларнинг руҳсатномалари, вимпеллари дид билан жамланган. Улар орасида шахматга оид 1000 га яқин китоб ҳам сақланаётир. Европа, Осиё, Америка, Африка мамлакатларида нашр этилган китобларга кўзингиз тушади.

— Каминанинг шахматга меҳри болалигида тушган, — дея ҳикоя қилади хонадон соҳиби. — Наманган шаҳри гузаридаги чойхоналар ниҳоятда гавжум бўларди. Бир пиёла чой баҳона шахмат тахтаси узра беллашувни қанча вақт бўлса ҳам кузатишни жуда-жуда ёқтирардим. Асли касбим инженерлик. Шахматга меҳрим иккинчи истеъдодим. Шахмат — санъат. Шу туфайли эл-юртга танилдим.

Ҳа, Мамажон акани ким танимайди, дейсиз. У Ўзбекистоннинг тўрт карра чемпиони. 1952 йилда шу номни илк бор қўлга киритди. 1954, 1957, 1965 йилларда шу юксак унвонга яна сазовор бўлганлиги унинг маҳоратидан далолат беради. Шахмат бўйича Ўрта Осиёда биринчи СССР спорт устаси деб тан олинган. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер. Қатор йирик мусобақалар ташкилотчиси сифатида унга Бутуниттифоқ тоифасидаги ҳакам, шахмат бўйича арбитр унвонлари берилган.

Суҳбат давомида у ўз ютуқларини тилга олади. 1960, 1962, 1968 йилларда қишлоқ шахматчилари орасида мамлакатимиз чемпиони бўлган. 1950 ва 1961 йилларда Осиё мамлакатлари I, II шахмат мусобақалари ўтказилганлигини ҳали-ҳали эслаймиз. Қитъанинг кучли шахматчилари билан беллашувларда омад М. Муҳиддинов томонида бўлди. У икки бор кумуш совринни қўлга киритган. СССР халқлари II, III, IV Спартакиадасида жумҳуриятимиз терма жамоаси аъзолари сафида шахмат доналарини сурди. Чорак аср давомида у Ўзбекистон ССР терма жамоаси устози сифатида шуҳрат қозонди.

Халқимизда «Бир кун туз ичган жойингга қирқ кун салом бер» деган нақл бор. 40 йилдирки, у отахон рўзнома — «Совет Ўзбекистони» ижодкорлари билан ҳамкор, ҳамнафас. Илк шахмат шарҳи чоп этилганлигига ҳадемай, 40 йил бўлади. Қирқ йил! Айтишгаку осон... Шарҳларни ёзиш, диаграммаларни тайёрлаш учун озмунча меҳнат, изланиш, таққослаш талаб қилинмайди, дейсиз! Йиллар ўз изини қолдириши, шубҳасиз.

— 70-йиллар эди, — ҳикоя қилади Мамажон ака. — «Совет Ўзбекистони» рўзномасида «Фишер нега безовта?» сарлавҳали мақола босилиб чиқди. Ўқидим. Жозибали тилда ёзилган. Муаллиф билан учрашиш истаги пайдо бўлди. Таҳририятга келиб, танишдик. У киши Ахборот ва спорт бўлимининг мудири Жўра Холқосимов экан. Суҳбат шахмат мавзусида борди. Шундан кейин рўзномада шарҳлар эълон қилинишига яшил йўл очилди, дейишим мумкин. Гапнинг сирасини айтганда, бу рўзномада дастлабки мақолаларимнинг чоп этилишида марҳум Восе Маҳкамов хизматларини унутмайман. Жаҳон тожи учун курашлар шарҳларини у билан бирга таҳлил этиб, газетада босиб чиқарар эдик. «Совет Ўзбекистони» ижодкорларини ҳозир ҳам ажойиб ўйиннинг мухлислари дейиш адолатдандир. Рўзномада босилган шарҳларимни йиғиб альбом тайёрлаганман. Уларнинг сони 30 дан ошиб кетади.

М. Муҳиддинов бетакрор шарҳларидан шахмат тарихи, назарияси ва амалиётини тадқиқ қилишга киришиб кетди. 1970 йилда у тарих фанлари номзоди илмий даражасини олишга муяссар бўлди. Унинг «Ўзбекистонда шахмат маданияти тарихи» мавзуидаги тадқиқоти мамлакатимизда илк бор шахматга оид илмий иш сифатида тан олинди.

Устознинг минглаб мухлислари, шогирдлари бор. Ташкилотчилик қобилияти рўзномамиз саҳифаларида ташкил этилган конкурслар давомида намоён бўлди. 1982 йили СССРнинг 60 йиллигига бағишлаб «Совет Ўзбекистони» шахмат конкурси ўтказилди. Ушанда таҳририятга 10 мингдан зиёд хат келди. Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган конкурсда ҳам яна шунча хат олинганлигини таъкидлаш ўринлидир. Рўзнома чиқа бошлаганлигининг 70 йиллиги олдидан (1988 йил) яна шахмат мухлисларига мурожаат этилди. Конкурс вазифаларига жавоб тарзида мухлислардан 15 минг хат олинди. Олим ҳам, чўпон ҳам, ўқитувчи ҳам, қўйинг-чи, оила-оила бўлиб бу конкурсда иштирок этишган мухлисларнинг қувончини алоҳида тилга олиш керак. Мингдан зиёд шахмат мухлисига спорт разрядлари топширилди.

Мамажон Муҳиддиновнинг шахмат назарияси бўйича билимдонлигини тасдиқловчи яна бир далил келтирамиз. У 30 дан зиёд шахматга оид китобнинг муаллифи. 10 дан зиёд китобни таржима қилган.

Ёдимизга ўлкамиз маданиятига оид яна бир воқеа тушди. Бундан 20 йилча муқаддам Сурхондарёдаги Далварзинтепада топилган тарихий буюмлар олимлар эътиборини тортди. Улар орасида 2 та шахмат доначаси катта қизиқиш уйғотди. Бу Ўрта Осиёда шахмат қадим-қадимдан ўйналиб келинганлигидан шоҳидлик бермайдими?! Бу ҳақда Мамажон ака «Ақл мўъжизаси» китобида батафсил ёзган. Унда тасдиқланишича, Ўрта Осиё шахматнинг иккинчи ватани.

Шахматчиликда Нимцович, Алехин, Чигорин ва бошқа шахматчилар номи билан аталувчи бир қатор ўйин услублари бор. Энди улар қаторига шатранжнинг ватанларидан бири — Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон шахматчилари амалиётида қўлланилиб, тан олинган ўйин услуби ҳам киритилса бўлмасмикан?! Мамажон ака бугунги кунда шу хусусда изланаётир.

Ҳамид СУЛТОНОВ.

СПОРТ

Енгил атлетика: ЙИРИК АНЖУМАН

● Япония пойтахтида жаҳон спортчиларининг йирик анжумани бошланди. Учинчи марта ўтказилаётган жаҳон чемпионатига жумҳуриятимиз ёшлари ҳам ҳозирлик кўришди. Жумладан, булар орасида Полюнинга ҳам катта умид боғланмоқда.

ШАХМАТ: ЯНА БИР ДАЎВОГАР

● Тож даъвогари голландиялик Ян Тиммандан кейин Анатолий Карпов ҳам ярим финалга йўлланма олди. У ҳинд шахматчиси В. Ананддан 4,5:3,5 ҳисобида устун келди.

Футбол: ПЕШҚАДАМ ЎЗГАРДИ

● Биринчи лига футбол жамоалари мамлакат чемпионатининг 27-тур ўйинларини якунлашди. «Тилигул» футболчилари 35 очко билан биринчи ўринга кўтарилдилар. «Ростсельмаш» ва «Ротор» жамоаларида 33 тадан очко бор. 26 тадан очко жамғарган «Нефтяник» ва «Навбаҳор» футболчилари 9-ҳамда 11-ўринларда боришмоқда.

РЎЗҒОР ЮРИТИШ СИРЛАРИ

• Оила ҳисоб-китобини биласизми?

Салом ҳурматли муҳарририят!

Мен, Тольятти шаҳрилик Б. Фадеев қуйидаги масала юзасидан сизга ёзаяпман. Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтаётир. Бундай ўтиш жараёни жўн иш эмаслиги барчамизга ён. Ўтиш даврининг аҳолига жабр бўлмаслиги ҳақида ҳозир кўпчилик ўйлаяпти. Менда ҳам шундай бир таклиф борки, уни татбиқ этишга ҳеч қандай сарф-харажат талаб қилинмайди. Лекин, назаримда, у кишиларга кўмак бериши аниқ. Таклифим мазмуни — одамларга «ҳисоб-китоб юритишни ўргатиш»дан иборат. Зотан, бозор иқтисодиёти ҳар ерда ва ҳамма ишда уддабуронлик кўрсатишдан ташқари, усталик билан ҳисоб-китоб юритишни ҳам талаб этади.

Касбимга кўра, ҳисобчиман ишлаб чиқаришда кўп йил ишладим, ўқув юртларида дарс бердим. Бироз ҳаётий тажрибага эгалигимдан биламанки, бизда вазирликлар, идоралар ва корхоналарда бўлгани каби жамиятнинг оддийгина асоси оилада ҳам пухта ҳисоб-китоб юритишни билишмайди. (Бойликларимиз мўл бўлишига қарамай, камбағал яшаётганлигимиз ҳам шундан). Ҳа, масалан, ҳар бир оилада даромаднинг қанча фоизи озиқ-овқатга, кийим-кечакка, китобу сайр-саёҳатга кетиши ҳамда бошқа турли кирим-чиқимлар бўйича ёзувларни сизга таниш оилалардан, айтайлик, ўнтадан биттаси юритиши ҳам даргумон. Бунга таниш-билишларингиз билан ўзаро суҳбатда ҳам осонгина ишонч ҳосил қилишингиз мумкин. Ҳолбуки, оилада ҳисоб-китобни билиш фойдали ва зарур иш. У пулни тежамли ва ҳисоб билан сарфлашга ҳамда оила хўжалигини иқтисодий тежам билан юритишга ўргатади.

Афсуски, бизда аҳоли орасида оила ҳисобчилигининг оммавий анъаналари йўқ. Шу боис ҳам баъзида кишилар фақат маошлари озлигидангина эмас, балки ўз кирим-чиқимларини учма-уч қила олмасликларидан, махсус ҳисоб дафтарчалари тутмасликларидан, ўз оила бюджетлари иқтисодий таҳлилини юритмасликларидан ва рўзғор иқтисодиёти билан шуғулланмасликларидан ҳам азият чекадилар. Бу, айниқса, шу асосда жанжаллар келиб чиқадиган ёш оилаларга тааллуқлидир.

Ваҳолонки, у қадар махсус билим талаб қилмайдиган ва оила ҳисобчилигини юритишни қизиқарли, фойдали ишга айлантирувчи оддий, синалган бир усул мавжудки, бу усул бўйича ҳар ким, масалан, ўз оиласи балансини маълум бир муддатга белгилаши, оилавий кирим-чиқимлар лойиҳа ҳужжатини тузиши, молиявий ҳисоб-китоб ва бошқа тадбирларни олиб бориши, кўпгина жараёнларни ортиқча қийинчиликларсиз амалга ошириши мумкин. Такрор айтаманки, оилада барча хўжалик операциялари ҳисобини олиб боришни қандай ташкил қилиш, қай тарзда ёзув ишлари олиб бориш ва бу ёзувларни тизимлаштириш, шунингдек, чиқимлар таҳлили ва бошқа шу кабиларни қай йўсинда юритиш бўйича барча кўрсатмаларни ўзида мужассамлаштирган қўлланма қоидаларига асосланиб, кирим-чиқим режасини ҳам тузиш мумкин. Назаримда, эндиги шароитларда иқтисодий ҳисоб-китоб асосларини кишиларга ўз уйида ўргатиш ва оила ҳисобчилигининг энг оддий кўникмаларини эгаллашда уларга ёрдам бериш керак. Айтиш мумкинки, аҳолини оила иқтисодиёти масалалари бўйича оммавий тарзда «маърифатли» қилиш, яъни ўзига хос «саводсизликни тугатиш» эълон қилиш зарур. Бундан эса катта наф кўришимиз шубҳасиздир. Ҳатто журъат қилиб таъкидлайман: оила ҳисобчилигини ўрганиш қатор ижтимоий ҳимояланиш чора-тадбирлари сингари аҳолининг бозор муносабатларига киришиб кетиши жараёнини қисман енгиллаштиришга қодир. Шу туфайли ҳам агар сиз мабодо хатимни айтайлик, «Оила иқтисодиёти асослари билан танишган, оила ҳисоб-китобини юритишни ўрганган кишилар бозор муносабатларига осон ва тез қўниқадилар», деган мазмунда қисқача ёритсангиз мен оила ҳисобчилиги бўйича махсус қўлланмани барча хоҳловчиларга юборишим мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида кимки пулни тежамли, ҳисоб-китоб билан сарфласа ўша ютади. Агар сиз қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилсангиз, бунинг барчасини ўрганасиз: 445012, Самара вилояти, Тольятти шаҳри а/я № 487.

Мактубимнинг охирида шуни айтмоқчиманки, оила ҳисобчилигини юритиш усулининг имкони борича кенг қўлланиши оила хўжалиги юритишнинг оқилона йўлларини ўргатиш ва кенг ёйиш бўйича ўзига хос марказнинг иш бошлашига асос бўларди. Бу марказнинг иши эса оила хўжалигини тежамли юритиш бўйича маслаҳатлар беришдан, «Ўзинг бажар», «Хонадон соҳибига», «Рўзғор юритишнинг айрим сирлари ҳақида» ва «Рўзғор буюмлари хизмат муддатини қандай узайтириш мумкин?» сингари мавзуларда маслаҳатлар тўплашдан иборат бўлур эди. Кейинчалик бу маслаҳатларни оила ҳисобчилиги қўлланмаси билан бирга «Тежамкор уй бекасига 1000 маслаҳат» тўплами кўринишида тарқатиш мумкин. Буларнинг барчаси, назаримда, бизнинг замонда ҳеч ортиқчалик қилмайди.

Сизларга ва кўп минг сонли муштарийларингизга камоли эҳтиром билан Б. ФАДЕЕВ.

ТАҲРИРИЯТДАН: Биз узоқ Тольятти шаҳрилик Б. Фадеевнинг куйинчаклик билан ёзилган мактубини унинг ишини тарғиб қилиш мақсадида эмас, балки мактубда кўтарилган мавзунинг долзарблиги учун эълон қилдик. Чиндан ҳам, айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида оила бюджетининг иқтисодий таҳлилини юритиш, оилага келадиган даромад, шунингдек, кирим-чиқим, сарф-харажатларни ҳисоб-китоб қилиш ва шунга қараб тежамли рўзғор юритиш жуда муҳимдир. Бироқ, қийинчилик маҳалларда эмас, балки тўкинлик даврларида ҳам оилада ана шундай ҳисоб-китобли иш юритиш фойдадан ҳеч холи эмас. Зеро, ота-боболаримиз: «Етиб еганга тоғ ҳам чидамайди», деганлар. Шундай экан, эртанги ҳар бир кунимизни олдиндан ўйлаб, пухта иш тутишимиз керак... Бу ҳақда сиз нима дейсиз, ҳурматли муштарий?

• Пиру бадавлатлар

БИР ОИЛА — БИР МАҲАЛЛА

Жалолқудуқ районидаги Ленин номли жамоа хўжалигида Охунбобоев номли маҳалла бор. Маҳалла аҳолисининг деярли ҳаммаси Исмоил ота Худойбердиев авлодларидир, десак муболаға бўлмайди. Шу маҳаллада туғилиб ўсган Исмоил ота 100 ёшга тўлди. Унинг умр йўлдоши Қория хола эса 90 баҳорни қаршилади. Уларнинг турмуш қурганларига 70 йил бўлди. Уч ўғил, беш қизни тарбиялаб, ували-жували қилдилар.

Исмоил ота билан Қория холанинг ҳозир 176 нафар невараси, 100 дан ортиқ чевара-эвараларидан бор. Бу пиру-бадавлат оилада камол топган ака-укалар, опа-сингиллар, овсинлар бир-бирлари билан ниҳоятда аҳил яшайдилар. Уйлари алоҳида-алоҳида бўлса ҳам ҳовлида ҳеч қандай девор йўқ. Бағри кенг қарияларнинг инсоний фазилатлари кўпдан-кўп фарзандларига ўтиб боряпти.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Яхши одамлар даврасида

ТАБАРРУК УМР

— Доно халқимизда «Бир одамнинг кимлигини билмоқчи бўлсанг, унинг дўстларига ва атрофидагиларга қара» деган нақл бор. Мен бунга унинг шогирдлари ва фарзандларига ҳам назар ташла, деб қўшимча қилмоқчиман, — дейди Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси, таниқли педагог Фахриддин ота Нуриддинов.

Куни-кеча саксон ёши нишонланган отахоннинг бу гапида жон бор. Тўйда камарбаста бўлиб турганларнинг, елиб-югуриб хизмат қилаётганларнинг деярли ҳамми домланинг шогирдлари, фарзандлари.

Отахон билан суҳбатлашар эканмиз, беш ўғил-қизни ўқитувчилик нони — луқмаи ҳалол билан катта қилганини, меҳнати зое кетмай, барчаси илмли, заҳматкаш бўлиб етишганини мароқ билан сўзлади.

— Катта ўғлим Фатхиддин доришунос, келиним Мукамбархон муҳандис. Кичик ўғлим Баҳодир ошпаз, келиним Саодатхон Тошкент бадиий буюмлар фабрикасида қўли гул чевар. Катта қизим Қундузхон Пўлатова темирйўлчилар касалхонасида, ўртанча қизим Озода Тўйчиева Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикасида бўлим бошлиғи. Кенжаси Раъно Муротова эса Янгийўлдаги тиббиёт техникумининг катта ўқитувчиси. Хуллас, ўғил-қизларимдан хурсандман. Набираларим ҳам ота-оналари изидан боришяпти.

Шогирдларни камолга етказиш, унга доимо эл хизматида бўлиш туйғусини сингдиришни Фахриддин отадан ўрганиш керак. Зукко, айни пайтда ниҳоятда талабчан домла ҳаётда бунга риоя қилди ва мақсадга эришди. Абдували Абдуваҳобов ҳимия фанлари доктори, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси. Сидиқжон Муҳаммаджонов — Ўзбекистон ССР халқ депутати, Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхози раиси, Шамсиддин Долимов — шифокор, Муяссар Бадалова, Асад Иброҳимов, Мавжуда Яминова — ўқитувчи, Рихсивой Қўчқоров — Тошкент чинни заводининг гул босиш цехи бошлиғи, Тоҳир Муҳамедов, Фурқат Шоғиёзовлар эса таниқли чиннисоз.

Отанинг турмуш ўртоғи Хожалой Нуриддинова биринчи болалар касалхонасида ишлаб туриб, кичкинтойларни ардоқлаб катта қилди. Ҳозир кексалик гаштини суряпти, набиралари атрофида парвона.

Муборак 80 ёшини нишонлаган Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов ноҳияси «Октябрь 40 йиллиги» маҳалласида яшовчи Фахриддин ота Нуриддиновнинг одамларга сабоқ бўларли умр саҳифалари бор.

Ю. ЗИЕДОВ.

Суратда: Фахриддин ота Нуриддинов фарзандлари даврасида.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

Диққат : янгилик

НАФИС САНЪАТ МАКТАБИ

Болалигидан шеър ёзиб, район, вилоят рўзномасида чоп эттирган ва адабиётга чинакамига ихлос қўйган истеъдодли ўқувчилар борми? Тарихга меҳр қўйганлар-чи? Мусиқа, рақс, тасвирий санъат ва актёрлик қобилияти билан тилга тушган болалар оз дейсизми?

Янги ўқув йилидан бошлаб Тошкентда Алишер Навоий номидаги жумҳурият нафис санъат мактаби ўз фаолиятини бошлайди. Унда жумҳуриятимиз умумтаълим мактабларининг 8-синфини барча фанлардан «5» баҳолар билан битирган, она тили ва адабиёт, тарих фанларидан ҳамда бадиий ҳаваскорлик бўйича ноҳия, вилоят, жумҳурият кўрик танловларида иштирок этиб, етакчи ўринларни эгаллаган, шу ихтисосларга қизиқиш ва лаёқати бўлган ўқувчилар қабул қилинмоқда.

Дастлабки танлов ноҳия, шаҳар, вилоят халқ таълими бўлимлари ҳузурида ташкил этилган танлов ҳайъати томонидан ўтказилган эди. Асосийси эса нафис санъат мактаби қошида олий таълим юртларининг педагоглари ва мутахассисларидан иборат танлов комиссияси томонидан ўтказиляпти.

— Тўғрисини айтиш керак, — дейди танлов ҳайъати раиси, Термиз давлат педагогика олийгоҳи психология кафедраси мудири, профессор В. Қодиров. — Танловда иштирок этаётган кўпчилик болалар нафис санъат мактаби талабларига тўлиқ жавоб бермаётир. Айрим вилоятлардан келаётган болалар ёзма ишларда кўплаб хатоларга йўл қўймоқдалар. Баъзи бирлари эса она тили ва адабиёти бўйича оддий жанрларни ҳам айтишга қийналмоқдалар. Мактабнинг тарих ва санъатшунослик бўлимларига қабул қилинадиган болаларда ҳам шундай нуқсонлар учраётир.

Жумҳурият Халқ таълими вазирлиги, Чилонзор район партия ва совет ташкилотлари Алишер Навоий номидаги жумҳурият нафис санъат мактабининг бугунги кун талабига ҳар томонлама мос келиши учун яқиндан ёрдам бермоқдалар. Бу ерда ўқувчиларнинг билим олишлари, адиблар, санъаткорлар, рассомлар билан доимий мунозара олиб боришлари, мушоиралар ўтказишлари учун шароит яратилган. Бу фанлар чуқур ўқитилишининг ўзи болалардаги қобилиятни янада оширади.

Алишер Навоий номидаги жумҳурият нафис санъат мактабида ҳазрати Алишер Навоийнинг 550 йиллик тўйига бағишлаб унинг болалиги акс этган ёдгорлик қўйилди. Билимлар кунида эса мактаб ҳовлисида Алишер Навоийнинг бюсти ҳам ўрнатилади.

Алишер Навоий номидаги жумҳурият нафис санъат мактаби истеъдодли болаларни бағрига олмоқчи. Бу ерда таҳсил оладиган ҳар бир йигит-қиз келажакда етук адиб, тарихчи, рассом, актёр ва санъаткор бўлиб етишишларига шак-шубҳа йўқ!

М. ПИРМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Эртага — шахтёрлар куни

«ҚОРА ОЛТИН» ХИРМОН-ХИРМОН

«Олтин оёғимиз остида экан-у...» Улуғ Ватан уруши зафар билан тугаган паллаларда жумҳуриятимизда шу мазмундаги қувонч ва энтикишлар оғиздан-оғизга кўчиб юрди. Бу хабар тарқалгунча эса кон изловчилар ҳамма нарсани таҳлил этиб, ҳисоб-китоб қилиб қўйишганди.

Гап Ангрен кўмир кони 9-шахтасининг унча узоқ бўлмаган тарихи ҳақида бормоқда. 1947 йил декабригача кон маъданлари намуналарини лаборатория таҳлилларидан ўтказиш, маъданнинг сифати, конни ўзлаштириш таҳлиллари, лойиҳа-смета ҳужжатлари... жами аниқланди. Кон очилиши, ундан фойдаланиш режалари жадал рўёбга чиқарила бошланди. Декабрь ойида дастлабки «қора олтин— Ангрен кўмири истеъмолчиларга юборила бошладики, бу рўзғорбоп ёқилғи кейинчалик халқимиз турмушига сингиб кетди.

Бугун мулоҳаза қилиб кўрилса, 9-шахтада қора бўлса ҳам олтин — кўмир қазиб чиқариш ўзлаштирилганига 40 йилдан ошибди. Шу йиллар ичида конда катта ўзгаришлар юз берди. Энг муҳими, жумҳуриятда ишчилар синфининг янги касб-кор билан шуғулланувчи бутун бир авлоди етишиб чиқди. Бу янги касб эгалари бугунги кунда шахтёрлар дея эъзозланмоқда. Шахта бешигини тебратганлар орасида машҳур кўмирчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турғун Ҳасанов, донг таратган шахтёрлар Ғафур Менглив, Раимқул Бекбоев, Бобоназар Йўлдошев, Бобомурод Ражабовлар ҳам бор.

Уларнинг фидойилиги, ўз касбига садоқати-ю. бой иш тажрибаси кейинроқ ишга келган ёшларга бир мактаб бўлди. Биринчилар ибратидан андоза олган кейинги авлод вакиллари шахт билан ишлаб, жумҳуриятимизнинг кўмирчилик саноати тармоғи тараққиётига баракали ҳисса қўшиб келишяпти. Биргина таққослашни эътиборга олиш керак. Кон ўзлаштирилган дастлабки йили 500 минг тонна кўмир қазиб чиқарилганди. Сўнг кончилик ишлари кенгайиб «қора олтин» хирмон-хирмон бўлиб кетди. 1960 йилга келиб 1 миллион тоннага етказиб маҳсулот қазиб олинди.

Бу Ангрен кўмир кони иш мароминнинг рекорд кўрсаткичи эди. Бироқ... 1974 йилга келиб кўмир қазиб чиқариш пасайди — йиллик хирмон яна 500 минг тоннага тушиб қолди. Бунинг турли сабаблари бор. Муҳим сабаби шуки, ўзлаштирилган кон ўзанларида кўмир сийраклашди. Таассуфки, бу маром ҳануз ўзгармаяпти. Кон харитасидаги янги штольнялар йўналишларини давом эттириш — узайтириш, ястаниб ётган кўмир қатламларини қазиб олиш шароитларини вужудга келтириш керак эди.

Янги қатламларни ўзлаштириш эса анчайин осон иш эмас. Унга қўшимча маблағ, кадрлар ва замонавий ускуналар зарур. Ёқилғи муаммоси долзарб бўлиб турган ҳозирги шароитда дастлабки ишлар бошлаб юборилди. Бунақа катта ишларни кўплашиб адо этиш мумкин. Қардошлар мадади, ҳамкасблар ёрдами зарур бўлиб қолди. Кривой Рог шахтёрлари «қамишдан бел боғлаб» келишди. Уста шахтёрлар эски штольняларни таъмирлаш, янгиларини қуриш-созлаш ишларини ўтган йили бошлаб юборишди. Кўмир қазиб олишга имкон берадиган лаҳим-йўлкалар умуртқа янлиғ хазина ичкарисига силжиб боряпти. Ҳамкасблар билан имзоланган шартномага кўра, шахта қурувчилар келгуси йилда яна бир шахтани ишга туширишади. Ҳозир 2 километрлик штольняни барпо этиш жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Дастлабки тахминларга кўра, бунёдкорлик режалари амалга ошириб бўлингач, бу ерда кўмир қазиб олиш камида икки ҳисса ортади. Лекин яна бир муаммо туғилмоқда. Бу — малакали кадрлар муаммоси. Кадрлар масаласини ҳал қилиш назарий жиҳатдан бартараф этилди. Аигрен шаҳридаги 10-ҳунар-техника билим юрти билан шартнома имзоланди. Бошланаётган ўқув йили мобайнида электр слесарлар, машинистлар, проходкачилар курслари очилиб, малакали кадрлар тайёрлана бошлайди.

—Қиличини яланғочлаб қиш келяпти, — деди шахта бошлиғи Аҳмаджон Мусажонов. — Бу мавсум — шахтёрлар учун тиғиз иш мавсуми. Эл-юртни қишдан этини увиштирмасдан олиб чиқиш, қатор тармоқ корхоналари иши бир маромда бориши кўп жиҳатдан кўмирчиларга боғлиқ. Буни яхши биламиз.

Шахта бошлиғи шу гапларни айтиб, бир дақиқа сукут сақлади. Кейин билсак, рақамларни хаёлан таққослаётган экан. У Шахтёрлар куни байрамига кончилар тайёрлаган меҳнат тўёналарига тааллуқли рақамларни тилга олди. Олти ойда шахта режани 105,3 фоиз бажарди. Июль ойида ҳам суръат сусаймади. Режага қўшимча 12.000 тоннадан зиёд кўмир қазиб чиқаришга эришилди. Шахтанинг 2, 3-участкалари мусобақада карвонбошилик қилмоқда.

Мусобақа карвонбошиси — 2-участка жамоаси ҳам баланд руҳ билан меҳнат қилиб, куз ва қиш ойларида халқ хўжалиги фуқароларининг ёқилғига бўлган эҳтиёжини қондиришга самарали ҳисса қўшяпти. Йил бошидан юксак маромда ишлаб, ҳар сменада режага қўшимча маҳсулот қазиб чиқарилишига эришилмоқда. Ана шу қўшимча маҳсулотлар жамланиб, бугун 6 минг 385 тоннани ташкил қилдики, бу 7 ойлик режа 110,2 фоиз адо этиллишига имкон яратди.

Ҳа, умум иш дея ўзинг куйди-пишди бўлмасанг бировга нафинг — иссиғинг тегмайди. Ангрен кончилари тоғ ён бағрида ишириб ётган «қора олтин»ни ғайрат-шижоат билан қазиб олишда жасорат кўрсатмоқдалар — уйларимизни иситиш, қозонимизни қайнатиш, корхоналар бир маромда ишлашига мадад бермоқдалар.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ,

АДИБ ЮБИЛЕЙИГА ҲОЗИРЛИК

Тошкентда атоқли ёзувчи Абдулла Қодирийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган бадиий кўргазманинг очилиши ижодий зиёлилар ҳаётида муҳим воқеа бўлди. 1994 йилда ёзувчи ва публицист таваллуд топган кунга 100 йил тўлади. Ҳозир жумҳуриятимизда юбилей тантаналарини ўтказишга катта тайёргарлик кўрилмоқда. «Абдулла Қодирийнинг адабий мероси ва ҳозирги замон ўзбек романи» мавзуидаги Бутуниттифоқ конференциясини ўтказиш, ёдгорлик музей-қўрғонини очиш, ёзувчи ҳайкалининг энг яхши лойиҳаси учун танлов ўтказиш ана шу тадбирлар қаторига киради. Шунингдек филология факультетининг талабалари учун А. Қодирий номли стипендия таъсис этиш ҳам режалаштирилмоқда.

Рассом Алишер Мирзаев ўзининг **29 та** асарини мошабинлар ҳукмига ҳавола қилди. Ана шу асарлар қизиқарли суҳбат мавзуси бўлди. Суҳбатда жумҳурият маданият арбоблари, ижодий уюшмаларнинг раҳбарлари қатнашдилар. Тўпланганлар кўргазмага қўйилган асарлар энг юқори баҳога сазовор эканини, улар ёзувчи асарлари қаҳрамонларини ҳаққоний ва аниқ акс эттирганини якдиллик билан айтдилар.

Кўргазмани кўздан кечиришда ва ижодий ходимлар олдида турган долзарб масалаларни муҳокама қилишда Ўзбекистон ССР Президент Кенгашининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. С. Самандаров қатнашди.

(ЎзТАГ).

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

26 АВГУСТ— 1 СЕНТЯБРЬ

Ҳар куни

● **8.25 Соғлом бўлай десанг** (шанба ва якшанбадан ташқари, (ЎзТВ-I).

● 18.00 Ўзбекистон телевидениесининг **«Янгиликлар»** кўрсатуви. (ЎзТВ-I).

● 19.30 да рус тилида **«Ахборот»** программаси (ЎзТВ-I).

● 22.00 да ўзбек тилида **«Ахборот»** программаси. (ЎзТВ-I).

● 6.00 да Марказий телевидениенинг **«Тонг»** мусиқий кўрсатуви. (МТ-I орқали, шанба ва якшанбадан ташқари).

● 20.30 да барча программалар орқали Марказий телевидениенинг **«Время»** программаси.

● 11.30 да **ТСН** (шанба ва якшанбадан ташқари, 14.30— ҳар куни МТ-I).

● 8.00 да **Эрталабки бадантарбия** (МТ-II орқали, якшанба куни **«Зарядкага сафланинг»**).

● 19.45 да **«Хайрли тун, кичкинтойлар!»** (МТ-II).

• 26, душанба

● **ЎзТВ-I**

18.10 Мультфильм. 18.20 Болалар учун концерт. 19.00 «Қаторда норинг бўлса...». Тадбиркор қариялар ҳақида. 19.50 Навоий мукофотига номзодлар. 21.10 Тижорат хабарлари. 21.20 Концерт. 22.25 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Чарҳпалак» ёки «Бахтингдан кўр».

● **ЎзТВ-II**

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.05 «Ассалому алайкум». 19.05 «Меҳр-оқибатли бўлайлик!». Давра суҳбати. 19.40 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида. 21.10 «Спринт». 21.30 Кичик концерт. 21.45 «Беринг ва унинг дўстлари ҳақида қисса». Бадиий фильм.

● **МТ-I**

8.30 «Совуқ уй». Бадиий фильм. 5-серия. 9.25 «Янги авлод танлайди». 10.40 «Флейта». Телефильм. 11.10 Ф. Красиловский куйлайди. 11.45 «Мулоқот». 12.00 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Афсунгар Тотоккерот» (Индонезия). 12.05 Футбол шарҳи. 12.35 «Инсоният онаси». 13.05 Мультфильмлар. 14.45 «Раиснинг туни». Бадиий фильм. 16.00 «Сиз яратган боғ». 16.30 Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати. 18.00 ТСН. 18.15 «Биз ва иқтисодиёт». 19.00 Футбол шарҳи. 19.30 «Совуқ уй». Бадиий фильм 5-серия. 21.10 «Бошқа бирор киши менга бунчалик бахт ато қилмаган бўларди». 22.15 «Пенза — менга илҳом манбаи...». 22.35 ТСН. 22.55 Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати. 23.25 Й. Гайдн. Ре минор мессаси. 00.15 «Совуқ уй». Бадиий фильм, 5-серия.

• 27, сешанба

СОВЕТ КИНОСИ КУНИ

● **ЎзТВ-I**

8.00 «Ахборот». 8.35 «Машина ойнасидаги шайтонвачча». Бадиий фильм. 10.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида». 18.10 Мультфильм. 18.20 «Дала юмушлари». 18.50 «Ёшлик оқшоми». 19.50 «Насиба». Фильм-концерт. 21.10 «Спортлото». 21.15 Ўзбек классик куйларидан концерт. 22.25 «Кино, кино, кино».

● **ЎзТВ-II**

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.05 «Миришкорлар». 18.45 Мультфильм. 19.00 «Лаҳза». Хабарлар. 19.10 «Шаҳар юмушлари». 19.30 «Шаҳризоданинг саволлари». 21.10 «Спорт кинопанорамаси». 22.10 «Кадрда ва кадр ортида».

● **МТ-I**

8.30 «Совуқ уй». Бадиий фильм, 6-серия. 9.25. «Бошқа бирор киши менга бунчалик бахт ато қилмаган бўларди». 10.30 Болалар соати 11.45 Долзарб репортаж. 12.00 «Маппет-шоу». Кўп серияли телевизион қўғирчоқ фильм-концерт. 21 ва 22-серия. 13.45 «Телемикст». 14.45 «Масҳарабозни кулдиринг». Бадиий фильм, 1-серия. 15.50 «Қизиқувчилар олами». 16.05 Халқ хори ижро этади. 16.15 Болалар учун фильм. «Капитан Немо». 1-серия. 17.30 «Алифбо расмларда». 18.00 ТСН. 18.15 «Правда» кўчаси». 19.00 Мультфильмлар. 19.30 «Совуқ уй». Бадиий фильм, 6-серия. 21.10 «Кинопанорама». 22.25 ТСН. 23.40 «Аблаҳ». Бадиий фильм. 00.15 Енгил атлетика». Жаҳон чемпионати. 00.45 «Совуқ уй». Бадиий фильм, 6-серия.

• 28, чоршанба

● **ЎзТВ-I**

8.35 «Юлька» Бадиий фильм. 10.00 Сайёра Қозиева куйлайди. 18.10 Мультфильм. 18.20 Ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгашида. 19.50 «Шеърият дафтаридан». 20.00 «Санъат олами». 21.10 «Ўзбекистон бастакорлари», туркумидан видеофильм премьераси. 22.25 «Чинор остидаги дуэль». Бадиий фильм.

● **ЎзТВ-II**

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.05 «Ёз кундалиги». 19.00 «Пульс». Хабарлар. 19.10 «Спринт». 19.30 «Суҳбатга таклиф этамиз». 21.10 «Менинг шаҳрим». 21.40 «Ўтмиш хотиралари». Ф. Сулаймонова ҳикоя қилади. 22.10 «Гитара оҳанглари».

● **МТ-I**

8.30 «Совуқ уй». Бадиий фильм, 7-серия. 9.25 «Ватанга таъзим эт...». 10.30 «Болалар мусиқий клуби». 11.15 «Чемпионлар билан биргаликда». 11.45 Долзарб репортаж. 12.00 «Кинопанорама». 14.45 «Масҳарабозни кулдиринг». Бадиий фильм, 2-серия. 15.55 «Қизиқувчилар олами». 16.10 «Мусиқий хазина». 16.50 Болалар учун фильм. «Капитан Немо». 2-серия. 18.00 ТСН. 18.15 «Планета». 19.00 Мультфильм премьераси. 19.15 «Олтин жуғ-ли қўй териси». Халқаро фольклор ва этнография фестивали-ўйини. 19.30 «Совуқ уй». Бадиий фильм. 7-серия. 21.10 Барток номли оркестрининг концерти. 21.40 ТСН. 21.55 Футбол. Европа чемпионатининг саралаш матчи. Норвегия — СССР терма командалари. Танаффус пайтида (22.40) — Жаҳон гимнастрадаси. 23.45 «Ватанга таъзим эт...». 00.50 «Рақсга тушишни хоҳлайман». 01.45 «Совуқ уй». 7-серия.

• 29, пайшанба

● **ЎзТВ-I**

8.35 «Бу разведкада бўлган эди». Бадиий фильм. 18.10 Мультфильм. 18.20 Қўқон шаҳар «Сайёра» гуруҳи концерти. 18.45 «Оқ дарё лавҳалари». Телеочерк. 19.50 Жумҳурият кўзи ожизлар жамиятига қарашли «Дил куйласин» мақомчилар дастасининг концерти. 21.10 Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига, «Навоийхонлик». 22.25 «Эсперанса». Бадиий фильм, 1-серия.

● **ЎзТВ-II**

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.05 «Уолт Дисней» туркумидан мультфильмлар тўпламидан. 19.00 «Пульс». Хабарлар. 19.10 «Оқ йўл!». 19.50 «Жайронлар ўлкаси». Телефильм. 20.00 «Қойил». А. Глизин куйлайди. 21.10 «Бу оқшомда».

● **МТ-I**

8.30 «Совуқ уй». Бадиий фильм, 8-серия 9.25 Футбол. Европа чемпионатининг саралаш матчи. Норвегия — СССР терма командалари. 2-тайм. 10.15 Мультфильм. 10.30 Болалар соати. 11.45 ИИВ маълумотига кўра... 12.00 «Маппет-шоу». Кўп серияли телевизион қўғирчоқ фильм-концерт. 23 ва 24-серия. 13.45 «Телемикст». 14.45 «Ўз олдингда». Бадиий фильм, 1-серия. 15.55 «Қизиқувчилар олами». 16.10 Болалар учун фильм. «Капитан Немо». 3-серия. 17.15 «Звони русские» ансамблининг концерти. 17.30 «Мовий ранг тасвиридаги қизил ранг». Телефильм. 18.00 ТСН. 18.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.00 Эстрада концерти. 19.20 ИИВ маълумотларига кўра. 19.35 «Совуқ уй». Бадиий фильм, 8-серия. 21.10 Публицистик-хроникал ҳужжатли фильм. 22.35 ТСН. 22.50 Эстрада театри: Валентина Толкунова. «Аёл монологи». 23.50 Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати. 00.20 «Совуқ уй». Бадиий фильм, 8-серия.

• 30, жума

ЎзТВ I

8.00 «Ахборот». 8.35 «Қадрдонлар кўчаси». Фильм-концерт. 9.00 «Сирли ҳарфлар ороли». Қўғирчоқ театр спектакли. 9.55 «Йигит ҳамиша йигит». Бадиий фильм. 18.10 Мультфильм 18.25 «Замин саховати». 18.55 «Халқ ижодиёти». 19.50 «Куз лавҳалари». Телефильм. 20.00 Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига. «Навоий гулшани». 21.10 «Қалбим наволари. 22.25 «Эсперанса». Бадиий фильм, 2-серия.

● **ЎзТВ-II**

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ.

● **МТ-I**

8.30 «Элизабетни кутиб». Бадиий фильм. 9.45 Москва давлат филармонияси академик оркестрининг концерти. 10.25 Мультфильм. 10.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 11.45 «Инновация. Маркетинг. Натижа». 14. 40 «Ўз олдингда». Бадиий фильм, 2-серия. 15.50 «Агар сиз...» 16.35 «Олтин калитча». Бадиий фильм. 18.05 ТСН. 18.15 Концерт. 18.30 «Инсон ва қонун». 19.15 «Элизатебни кутиб». Бадиий фильм. 21.10 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони», «Қишлоқ ўқитувчиси», «Эльдорадо», «Рок террорга қарши». 00.10 ТСН. 00.30 Париж — Москва — Пекин авторалиси. 01.00 «Ўғирлик». Бадиий фильм, 1-серия.

• 31, шанба

● **ЎзТВ I**

8.00 «Ассалому алайкум». 9.00 «Ахборот». 9.25 «Петькани кўрганлар борми?» Бадиий фильм. 10.35 «Ўзбекистон спорти». 11.10 «Оналар мактаби». 11.40 «Анҳор» қаҳвахонасига таклиф этамиз». 12.20 «Қизил ярим ой шуъласи». 12.50 «Деҳқон ва замин». 18.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — МАСК. 19.50 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 21.10 Санъат усталари ижросида концерт. 22.30 Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига. «Сабъаи сайёр» асари ҳақида.

● **ЎзТВ II**

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

9.00 «Кашфиётлар оламида». 10.00 «Безнен мирас». Р. Сингатулин куйлайди. 11.20 Скрипка куйларидан концерт.

АШХОБОД КЎРСАТАДИ.

● **МТ I**

6.00 Дилрабо концерт. 6.20 Мультфильмлар. 7.00 Ритмик гимнастика. 7.30 Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.00 ТСН. 8.15 «Сиз яратган боғ». 8.45 Болалар учун фильм. «Мен — қариндошингиз бўламан», 9.50 «Бурда моден» таклиф этади...» 10.20 «Тонг юлдузи». 11.20 Режиссёр М. Захаров фильмлари. «Севги формуласи». 12.50 «Ёдимдадир ажиб дам ҳали...». Фильм-концерт. 13.40 «Қизиқувчилар олами». 13.55 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. Француз эртаги. 14.00 «Севги қиссаси». Киноконцерт. 14.45 А. Н. Островский. «Сердаромад жой». Фильм-спектакль. 17.20 Халқ куйлари. 17.30 «Халқаро панорама». 18.15 «Қўғирчоқ». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 21.10 Катталар учун мультфильмлар. 21.25 СССР Давлат телерадиосининг квартети чалади. 21.40 «Европа плюс». 22.40 «Ўғирлик». Бадиий фильм, 2-серия. 23.55 Хоккей. Канада кубоги. СССР—ЧСФР терма командалари. 02.25 Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати.

• 1, якшанба

ЖАҲОН ТИНЧЛИК КУНИ

● **ЎзТВ I**

8.00 «Ахборот».

8.30 «Биргаликда куйлаймиз». 9. 00 «Баҳосиз. дарс». Бадиий фильм. 10.10 «Чорраҳа». 10.40 «Илмгоҳлар чорлайди». 13.00 Концерт. 18.00 «Кичкинтой» студияси кўрсатади. «Табиат алифбоси». 18.50 «Мультипанорама». 19.50 «Дилкаш дуторим». 21.10 «Якшанба оқшомида». 22.25 «Дўст». Бадиий фильм.

● **ЎзТВ II**

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

9.00 «Чин-сен». Корейс тилида кўрсатув. 9.40 Озарбайжон муғом театри. 11.05 «Умид». 12.05 Мусиқий лавҳалар.

ДУШАНБЕ кўрсатади.

● **МТ I**

7.30 Ритмик гимнастика. 8.00 ТСН. 8.15 «Спортлото». 8.30 «Эрта саҳарлаб». 9.15 Мультфильм. 9.30 «Ватан хизматида». 10.30 Тонгги дам олиш кўрсатуви. 11.00 «Ҳайвонот оламида». 12.30 «Здоровье». 13.00 «Қишлоқ янгиликлари». 14.00 ТСН. 14.15 «Рок-сабоқ». 15.15 Хоккей. Канада кубоги. СССР—ЧСФР терма командалари. 17.45 Ренцо Арборе ва Херри Коник билан ўтган қойилмақом кеча. 18.25 «Уолт Дисней таништиради...». 19.15 «Учовига бир аёл». Бадиий фильм. 21.10 «Джаз портрети». 21.50 Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати. 22.40 «Мария Цветаеванинг вафоти». Телефильм. 23.40 Г. Лукьянов раҳбарлигидаги «Каданс» ансамбли чалади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ҲУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими, — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика—33-20-36, 33-12-56, 32-54-35,32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

УЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 5811.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди — 23.00

№ 164.

● Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ●

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12